



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

www.uzas.uz

2023-yil 15-dekabr №50 (4760)

“ЖАДИДЛАР: МИЛЛИЙ ЎЗЛИК, ИСТИҚЛОЛ ВА ДАВЛАТЧИЛИК ҒОЯЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли конференция иштирокчилари!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азизларни ўтган аср бошларида шаклланиб, нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун мусулмон олами ва туркий дунё тарихида чуқур из қолдирган жадидчилик ҳаракатини ҳар томонлама ўрганишга бағишланган халқаро анжуманининг очилиши билан чин қалбдан табриклайман.

Муштарак тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини ташкил этадиган маърифатпарвар аждодларимизнинг ибратли фаолиятини, уларнинг ўз қиммати ва аҳамиятини ҳамон йўқотмасдан келажатда бўлиб меросини ҳамкор давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, таникли хорижий олимлар билан биргаликда теран тадқиқ ва тарғиб этиш бизнинг устувор вазифамиздир.

Бугунги анжуманимизга ташриф буюрган нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакилларига, шунингдек, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Туркия, Россия Федерацияси, Венгрия, АҚШ, Германия, Нидерландия, Швеция, Япония ва бошқа мамлакатлардан келган таникли олим ва экспертларга ушбу анжумани ташкил этиш ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганликлари учун самимий ташаккур билдираман.

Азиз дўстлар!

Ўз моҳият эътиборига кўра ноёб ижтимоий-сиёсий феномен бўлган жадидчилик ғоясининг шаклланиши ва тараққиётига доир дунёнинг бир қатор мамлакатларида кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ушбу ҳаракат намоёндаларининг Марказий Осиё ҳудудида миллий давлатчилик ва минтақавий ўзига ҳосликни, фуқаролик жамиятининг ривожланишига қўшган улкан ҳиссасини концептуал ва тизимли асосда атрафчила ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, тараккийпарвар аждодларимизнинг илғор ғоя ва қарашларини тадқиқ этиш ва тизимлаштириш, Туркистон жадидларининг миллий давлатчилик ривожидagi

ўрни ва таъсирини ўрганиш, XX асрнинг биринчи чорагида улар томонидан барпо этилган давлат тузилмаларининг қонунчилик базасини таҳлил қилиш, дунёвий, ҳуқуқий ва демократик жамият қуришга қаратилган фаолиятига тарихий баҳо бериш, Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс бунёд этишда ушбу мероснинг мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши билан боғлиқ масалалар бугунги конференциянинг асосий муҳокама мавзулари этиб белгилангани алоҳида аҳамиятга эга.

Барчамизга аёнки, “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган эзгу ғоя билан майдонга чиққан жадид боболаримиз халқларимизни жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, уларни ғафлат ботқоқидан қутқаришнинг асосий йўли – билим ва маърифатда, дунёвий тараққиётни эгаллашда, деб билдилар.

Улар шу йўлда фидойилик кўрсатиб, янги усул мактаблари, театр ва кутубхоналар, нашриётлар очдилар. Жамият аъзоларининг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартириш мақсадида газета ва журналлар нашр этдилар. Ёшларни илғор давлатларга ўқишга юбордилар.

Шу билан бирга, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, молия, солиқ тизимлари, ер масалаларини тадрижий асосда тубдан ислох қилиш учун ғоявий ва амалий ҳаракатлар олиб бордилар. Бир сўз билан айтганда, улар миллий уйғониш, миллий тараққиёт ғоясини рўёбга чиқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар.

Афсуски, ўша даврдаги мавжуд вазият, ижтимоий тузум бу улуғвор мақсадларни амалга оширишга йўл бермади.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда инсон кадри улуғланадиган адолатли, эркин ва обод жамият, халқпарвар давлат, фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган ислохотларимиз жадид боболаримизнинг эзгу ғоя ва дастурларига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Шу боис, халқимиз озодлиги ва Ватанимиз раванки йўлида азиз жонларини фидо қилган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини янгича тафаккур асосида ўрганиш ҳамда тарғиб этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Юртимизда ушбу йўналишда муҳим фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳар йили 31 август – Катагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида кенг нишонланмоқда.

“Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси ва жамоат фонди, Катагон қурбонлари хотираси давлат музейи, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳудудий бўлимлари фаолият олиб бормоқда.

Ана шу ишларимизнинг мантикий давоми сифатида Бухоро шахридаги тарихий масканда Жадидчилик тарихи музейи ташкил этилмоқда.

Бу мураккаб давр тарихига оид илмий ва бадий асарлар, “Тарихнинг номаълум саҳифалари”, “Қатагон қурбонлари” номли кўп жилдли хотира китоблари нашр этилмоқда. Бадий ва ҳужжатли фильмлар, кўрсатувлар тайёрланиб, намойиш қилинмоқда. Халқаро конференциялар, кўргазмалар ва давра суҳбатлари, хотира кечалари, семинарлар мунтазам ўтказилмоқда.

Атоқли маърифатпарварларимиз давлатимизнинг юксак муқофотлари билан тақдирланмоқда. Уларнинг азиз номлари билан аталадиган ёдгорлик мажмуалари, таълим муассасалари, музейлар, боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Олий суди томонидан 1030 дан зиёд мустабид тузум катагонига учраган ватандошларимиз номи оқлангани тарихий адолатни тиклаш йўлидаги янги қадам бўлди.

Айни вақтда, юртимизда ҳар йили август ойини “Қатагон қурбонларини ёд этиш ойи” сифатида ўтказиш, фидойи ватандошларимиз ва уларнинг авлодлари яшаган ва яшаётган хонадонларга ёдгорлик лавҳалари ўрнатиш, уларнинг ёрислари ҳамда яқин кишиларига ҳурмат-эътибор кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Маҳалла идораларида “Қатагон қурбонлари хотираси бурчақлари” ва “Маҳалла хотира китоблари”ни ташкил этиш, ҳар йили камида 100 нафар катагон қурбони ҳамда жадид боболаримиз ҳаёти ва фаолиятини акс эттира-

диган тўплам тайёрлаш режалаштирилган.

Ушбу муҳим мавзуда архив ҳужжатларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш учун мақсадли грантлар эълон қилиш, янги бадий ва публицистик асарлар яратиш, хорижий илм-фан марказлари, фондлар ва музейлар, кутубхоналар билан ҳамкорликни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Буюк маърифатпарвар боболаримиз томонидан олға сурилган ғоявий-сиёсий, ижтимоий-маърифий ва ҳуқуқий-ахлоқий қарашлар, турли миллат ва элатлар ўртасида бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш билан бирга, миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган интилишлар ҳозирги мураккаб ва тахликали замонда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат намунасидир. Уларнинг ҳаёти ва жасорати бугунги тинч ва осойишта кунларга осонлик билан эришилмаганини эслатиб, миллий истиқлолимизни, жонажон Ватанимизни кўз қорачиғидай асрашга доимо даъват этиб туради.

Фурсатдан фойдаланиб, таникли тарихчи олим, АҚШдаги Мичиган университети профессори, ватандошимиз Темур Хўжа ўғлига мамлакатимиз тарихи, жумладан, жадидлар мероси билан боғлиқ ноёб ҳужжатларни Ўзбекистонга тақдим этаётгани учун миннатдорлик билдираман.

Бугунги нуфузли анжуман ҳар биримизни маънавий уйғоқлик ва огоҳликка қорлаб, қалбларимизда улуғ аждодларимизга ҳос азму шижоат туйғуларини юксалтиришга, халқларимиз ва давлатларимиз ўртасида ўзаро дўстлик ва қардошлик руҳини, илмий-маданий алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонаман.

Сиз, мухтарам анжуман иштирокчиларига сўхат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар, конференция ишига эса муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

14 dekabr – Qoraqalpog‘iston Respublikasi
davlat bayrog‘i qabul qilingan kun

Кенгесбой КАРИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Қорақалпоғистон халқ шоири

БАЙРОҚКА

БАФИШЛОБ

Пойтахт Нукусимнинг нақд ўртасида
Мағрур бошинг осмон ўingan, қароғим!
Эрка шамоллар-ла ўйнашиб тонгда,
Хилпира, хилпира, менинг байроғим.

Хилпира, байроғим,
Бошингда осмон.
Бу жаннат макон ер –
Ватан жонажон.

Аму Сирдарёнинг ширин сувидан
Қониб ичган далам, экиним, боғим.
Осиёда юртим машхур қадимдан,
Хилпира, хилпира, менинг байроғим.

Кўкракни китиклаб,
Ифтихор сезим.
Байроққа тикилиб
Туради кўзим.

Бу юртда яшайди бағрикенг халқлар –
Сахий, мард, оқкўнгил ишонган тоғим.
Тикилсам, юрагим жўш ураб, қалқар,
Хилпира, хилпира, менинг байроғим.

Бу юрт Ўзбекистон
Қорақалпоғистон.
Хилпира, байроғим,
Лол қолсин осмон.


Қорақалпоқчадан Рустам МУСУРМОН
таржимаси.

Taqdimot

ИККИ ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

Атоқли қирғиз адаби Чингиз Айтматов таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан юртимизда тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Муштарийларимизнинг ёдида бўлса керак, қаҳармонимизнинг жорий йил 13 октябрдаги 40-сонида чоп этилган “Қирғиз-ўзбек дўстлиги тимсоли” сарлавхали суҳбатда Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси раиси, академик Оқил Салимов журналист Мамадали Эронов саволларига жавоб бера туриб, бугунги кунда Чингиз Айтматовга юртимизда берилаётган эътибор ҳақида шундай дейди: “Қайд этиб ўтганимиздек, Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг бошланишидаёқ кўни-қўшни мамлакатлар билан алоқалар мустаҳкамланиб, уларнинг фидойи фарзандлари эъзозлана бошланди. Президентимиз томонидан 2018 йил 2 апрелда “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Мамлакатимизда атоқли адибнинг ижоди ва фаолиятини ўрганиш борасида ўзига ҳос янги давр бошланди”.

Жорий йилнинг 12 декабрь куни Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Қирғиз миллий маданий маркази, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида буюк адиб ва мутафаккир Чингиз Айтматов таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан “Икки элнинг азиз фарзанди” мавзусида тадбир ҳамда шу номдаги китобнинг тақдироти бўлиб ўтди.



*Икки элнинг
азиз фарзанди*

ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИДА ҲОШИМ ШОЙИҚ АФАНДИНИНГ ЎРНИ

Қадим буюк турк давлатининг асосчиларидан бири Билга Хоқоннинг битик тошларда ёздириб қолдирган: “Эй туркий элим, ўзлугинга қайт, ўзлугингни англа – янада юксалгайсан!”, деган даъвати юз йил олдин Туркистон мустақиллиги учун қурашган жадидлар миллий озодлик ҳаракатининг ҳаётий шиорига айланган эди.

Туркистонда жадидлар ҳаракати халқни замонавий илм-фанга ошно қилиш ва шу йўлда турли соҳаларда ислохотлар ўтказиш орқали мухторият ва эркинликка эришишни мақсад қилган эди. Тарих фанлари доктори Саййид Акбар Аъзамхўжаев берган маълумотларга кўра, Туркистон бўйича “Шўрон исломия”, “Турон”, “Шўрон уламо”, “Иттифоқи мусулмин”, “Иттифок”, “Меърожул ислом”, “Мифтахул маориф” ва бошқа бир қатор ташкилотлар



Афанди ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритмоқчимиз.

мавжуд эди. Жадидчилик ҳаракати давомида уларнинг ўз матбуоти шаклланди. 1905 йилдан 1913 йилгача жадидлар Тошкентда “Хуршид” (муҳаррири Мунаввар Қори), “Шухрат” (муҳаррири Абдулла Авлоний), “Тараккий”, Самарқандда “Самарқанд”, Тошкентда “Садои Туркистон” (муҳаррири Абдулла Хўжаев), “Осиё” ва “Тужжор”, Бухорода “Бухорои шариф”, “Турон”, Қўқонда “Садои Фарғона” газеталари ва Самарқандда “Оина” (муҳаррири Бехбудий), Тошкентда “Ҳаййа алассолах” (муҳаррири Абдурахман Содик ўғли) журналларини нашр қилишди.

Биз ушбу мақоламизда ана шундай инқилобий ғоялар ўзанида ўсиб улғайган ва жадидлар ҳаракатининг раҳбарларидан бири, Афғонистонда мустақил Бухоро жумҳуриятининг элчиси бўлган таникли аллома Ҳошим Шойиқ

Ibrat

БАСИРАТ КЎЗИ

У кейинги пайтлардаги эридаги ўзгаришлардан хайрон, ҳатто бироз хавотирга ҳам тушиб қолди. Ёши қирққини қоралаган, катта бир хусусий корхона эгаси бўлган эри авваллари доим шошиб-пишиб юрар, уйда кам бўлар, вақтини кўпинча ишхонасида ва улфатлари даврасида ўтказарди. Энди эса, тез-тез уйда қолиб дам-бадам ҳаёл суриб ўтирадиган бўлиб қолди. Анчайин кўрс ва айтганидан қайтмайдиган қайсар бу одамнинг ўз-ўзидан мулоимлашиб қолгани унга аслида маъқул эса-да, “ишида бирон-бир муаммоси бормикан, ё касал-паласал бўлиб қолдимикан-а”, деган ўйда безовталана бошлади.

Энг қизиғи, бу кап-катта эркак кеча иккита оқ сичкон сотиб олиб келгани ва уларни қафасга солиб соатлаб тикилиб ўтиргани уни бутунлай лол қолдирди. Эрига “Буларнинг турки бунча совуқ, ундан кўра баликли аквариум олганингиз яхши эмасми

эди”, деганида, эри нима деди дег? “Эй, хотин, сен нимани ҳам билардинг, балиқ гапирмайди, булар эса гапирди. Қара, улар менга ўхшайди, йўғ-э, мен уларга ўхшар эдим...”, деса борми?

У кўзларини катта-катта очганча эрига қараб-қараб қўйиб, чиқиб кетди. “Бу кишига аниқ нимадир бўлган – ҳаёли жойида эмас, гаплари ҳам алмойи-жалмойи. Энди нима қилдим, ўзига бирон нима деб бўлмаса?”. Аёл ўйлай-ўйлай эртадан қолдирмай бу ҳолни қайнотасига билдиришни кўнглига тугди.

Ўз тадбири ўзига маъқул келди-да, эрининг телевизор кўриб ўтирганидан фойдаланиб, “Бугунги ишни эртага қўйма” деган нақлга амал қилди ва “катта” уйларига сим қокди. Телефон ўшагини кўтарган қайнонаси билан ҳол-аҳвол сўрашни асосида аҳволни қандай баён қилсам, дея ўйлана бошлади.

Boshlanishi 1- sahifada

Афғонистонда Шойиқ Афанди лақаби билан шуҳрат қозонган домла Муҳаммад Ёқуб Муҳлис ўғли Муҳаммад Ҳошим 1886 йил Марғилон шаҳрида туғилган. Сўнгра оиласи билан Бухоро шахрига кўчиб келиб, Бухоро мадрасаларида таълим олиб, араб тили ва адабиёти, фикх, мантик ва калом илмларини ўша замоннинг машҳур олимларидан ўрганди ва қори Ҳошим номи билан танилди.

Ҳошим Шойиқ ўша даврда Туркистон зиёлилари орасида кенг ёйилиб бораётган жадидлар ҳаракати билан чуқур алоқада эди. Айниқса, бу ҳаракатнинг етакчиларидан бири Махмудхўжа Бехбудий билан унинг алоқасини Тошкент-

кутубхонага асос солиди. У Боқуда уйланади ва бир қиз кўради.

Шойиқ Афанди ўз акаси билан келишув асосида ўн йилдан кейин Бухорода бўлиши шарт эди. Шу сабабли ватанга қайтмоқчи бўлади, лекин озарбайжонликлар унинг қайтиб кетишига рози эмасликларини билдириб: “Сен турк – биз турк, сен мусулмон – биз мусулмон. Бу ер ҳам сенинг ватанинг. Барча керакли шароитни яратиб бердик. Бу ерда уйланинг. Ҳар ҳолда кетишинга рози эмасмиз”, дейишади.

Охири Ҳошим Шойиқ қиска вақтга бориб қайтишга сўз бериб, Бухорога келади. Жадидлар уни ҳурмат билан кутиб оладилар.

Озарбайжонга қайтиб кетиш вақти етиб келганда унинг кетишга жадидлар йўл қўймадилар.

катта шуҳрат ва эътибор қозонган Ҳошим Шойиқни қидириб топади ва бир ҳафта унинг уйида яшайди.

1921 йил Бухоро мустақил давлати большевиклар томонидан ағдарилгандан кейин, Ҳошим Шойиқ Афанди элчилик вазифасидан истеъфо бериб чет элга кетмоқчи бўлади, лекин унинг яқин дўстларидан бири Мавлавий Хол Муҳаммад “Муосирини суҳанвар” китобида ёзишча, амир Омонulloхон унга мурожаат қилиб, бизда қолинг, сизга кўп эҳтижimiz бор, деб илтимос қилади. Устоз Қобулда қолади. У Таълим ва тарбия маркази раиси ва маориф вазири мушовири лавозимларида ишлайди ва янги ташкил этилган адабиёт факультети ва қизлар олий мактабида дарс беради.

дим... Қабул қилинган қарорларга кўра, Мустафо Чўқаевни Овропада вакил этиб тайинлаш, Ҳошим Шойиқни Афғонистон ҳукумати рухсат берган тақдирда Японияга юбориш...”.

Бундан маълум бўладики, Шойиқ Афанди жадидлар ҳаракатининг таниқли ва ишончли раҳбарларидан бири бўлган. Шу боис Мустафо Чўқайни Фарб ўлкаларида Шойиқни Японияда Туркистон миллий озодлик ҳаракатининг салоҳиятли намояндалари сифатида тайинлашга қарор қилинади. Лекин Афғонистон ҳукумати, Шойиқ Афандига бир йирик олим сифатида жиддий эҳтиёжи бўлгани учун, унинг чет элга чиқиб кетишига йўл қўймайди.

1929 йили амир Омонulloхон ватанидан чиқиб кетишга мажбур

ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИДА ҲОШИМ ШОЙИҚ АФАНДИНИНГ ЎРНИ


даги Алишер Навоий номидаги кутубхонадаги ҳужжатлардан топишга муваффақ бўлдик.

Кутубхонанинг жадидлар матбуоти сақладиган бўлимида 1905 йилдан 1913 йилгача нашр этилган газета ва мажаллалар қаторида Махмудхўжа Бехбудий бош муҳаррирлигида нашр қилинган “Ойна” журна-лининг 1322 хижрий-камарий йил робулу-аввал ойи, 12-сонининг охириги бетларидан бирида қуйидаги жавоб бор.

“Жавоб: Бухорода жаноби Шойиқка!

Берган одамингиздан идорага етгани бир сўм 45 тийин, унга яраша китоб юборилди. Муштарий бўлгонларга “Ойна” юборилиб турибдур. Эҳтимолки, почта муваззийдан (таркатувчисидан) бошқа киши олиб эгасига бермаса газета ва мажалланинг ҳам ўғри ва муфтоҳони бўлиб, бу ҳам бадахлоқнинг биридур”.

Юсак истеъдоди билан танилган қори Ҳошим жадидлар томонидан Туркияга юборилади ва 9-10 йил олий таълим олгандан кейин Кавказ оркали Бухорога қайтмоқчи бўлади. Озарбайжонликлар илтимосига кўра, Боқуда бир муддат туриб, маориф соҳасида ишлайди. Боқунинг ашроф ва аъёнлари ўз фарзандларини замонавий таълим олиши учун унинг ихтиёрига берадилар. Бўнинг эвазига у жуда яхши даромад топа бошлайди. Ана шу имкониятлардан фойдаланиб, 400 жилддан ортиқ илмий ва адабий китобларни тўплаб, бир катта



либ бизларни ташлаб кетасан?..”, дейишади улар.

Ўшанда амир Олимхон Афғонистонга ўтиб кетган, Бухоро мустақил давлат, деб эълон қилинган эди. Олий таълим олган Ҳошим Шойиқ ташқи ишлар вазири ва маориф вазири вазифасини бажарувчиси этиб тайинланади. У педагог мутахассис бўлса ҳам, Закий Валидий Тўғон ўз хотираларида ишора қилиб ўтганидек, ёш давлат келажаги ҳақида ўйларди.

Ёш жадидунос олим Баҳром Ирзаев эътироф этишича, Мунаввар қори тақлифга биноан Бухорога бориб, таълим тизимини кўриб чиқиш учун Ҳошим Шойиқнинг уйига борган ва у билан ўқув дастурини ишлаб чиққан. Шунингдек, Раҳмат Рафиқ маълумотига кўра, Анвар пошо ўртоқлари Сомиийбек ва Муҳиддинбек билан Бухорога келганда Озарбайжонда

Шойиқ Афанди Таълим ва тарбия марказида ишлаб, Бехбудийнинг “Ойна” журналига ўхшаш “Ойнаи ирфон” журналига асос солиди ва ўн йилгача уни ўз назорати остида нашр этиб туради. “Ойнаи ирфон” илмий-адабий журнал сифатида дунё илм ва фанидан Афғонистонга қарата очилган бир дарча эди. Фарб дунёсининг замонавий илм ва фани, чоғдош адабий мактаблари, машҳур олим, адиб ва файласуфларини шу дарчадан кўриш ва уларнинг назарлари ҳамда дунёқарашлари билан ошно бўлиш мумкин эди. Асосий мақола-ларни устознинг ўзи ёзар ёки таржима қиларди. Бу журнал зиёлилар ва ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этди. Кўп йиллардан кейин журнал номи “Ирфон” деб ўзгартирилиб, яқин-яқингача ўз йўналишини сақлаб келди. Мен ҳам бу журналнинг ҳамкорларидан бири эдим.

Профессор Закий Валидий Тўғон ўз хотираларида 1923 йил ҳодисалари ҳақида айрим маълумотларни ёзиб қолдирган. У ёзди: “Қобул шахрига етиб келишимиз билан Бухоро элчиси Ҳошим Шойиқни, Бухоро ҳукуматининг собиқ раиси Усмонхўжа ва унинг дўстларини излаб топдик... “Туркистон миллий бирлиги” раиси сифатида Усмонхўжа, Ҳошим Шойиқ, Мирзо Ҳисомуддин ва бошқаларни чақириб, бундан сўнг қандай ишлашимиз ҳақида батафсил келишиб, баъзи қарорлар қабул қилиш кераклигини айт-

қилинади. Нодирхон инглизлар ҳимояси остида давлат ҳокимияти тегасига кўтарилгандан кейин Омонulloхон давлатининг олий рутба раҳбарлари ва унга яқин бўлган шахсларга қарши кўтарилган тухмат ва истибдоднинг қора тўлқини Ҳошим Шойиқ ва бошқа маърифатпарварларни ҳам четлаб ўтмади. Ҳошим Шойиқ Афанди ҳам сўроққа тортилганлардан бири эди.

Ҳошим Шойиқ Афанди Афғонистонда кечирган 33 йиллик ҳаёти давомида ўзига қарши қўзғатилган тухматлардан етук ақли, дўстлари кўмаги, ҳокимият хайъатига мансуб айрим маърифатсевар кишилар ёрдамида фожиали оқибатлардан омон қолди.

Устоз Ҳошим Шойиқ Афанди хижрий 1333 йили (милодий 1954 йил) сунбула ойининг 25 кунни ҳаётдан кўз юмди. У устоз Халилийга: “Менинг юзимни шимолга қаратиб дафн этинглар”, деб васият қилган экан. Нега деб сўрашганда, “Шу томондан Бухоро шамоли келиб туради”, деб жавоб берган экан. Марҳум Шоиқ Афандидан олти қиз қолди. Катта қизи Нафиса отасидек етук фозила эди, хотин-қизларнинг биринчи журнали “Мирман”га асос солди. Озарбойжонлик қизи Фойика Якубзода устознинг вафотидан кейин Қобулга келиб, оила билан танишган экан.

Шаръий ЖУЗЖОНИЙ, юридик фанлар доктори, профессор

ИККИ ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

Boshlanishi 1- sahifada

“Улуғбек” жамғармаси раиси Оқил Салимов маърузаси, Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси Муса Жаманбоевнинг ўзбек-қирғиз дўстлик алоқалари янги босқичга чиқишида икки давлат раҳбарларининг узокни кўзлаган сиёсати ҳақидаги самимий фикрлари, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг раиси Рустам Қурбонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид, Ўзбек-Қирғиз Миллий маданият маркази раиси Раҳматилла Жабборов, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аҳмадjon Мелибоев чиқишлари ййигиланларда катта таассурот қолдирди.

Талабалар, олимлар, ижодкорлар ишгириодаги тадбир давомида юртимизда Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ чоп этилган мақолалар, фотосуратлар, расмий ва архив материаллари, уларга берилган шарҳлар асосида тайёрланган “Икки халқнинг азиз фарзанди”

китоби тақдироти ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

Улуғ адабнинг юртимизга, халқимизга бўлган муҳаббати, ҳурмати чексиз эканини сўзга чиққанлар алоҳида самимият билан қайд этдилар. Чингиз Айтматовнинг бой ижодий мероси нафақат қирғиз эли, балки бутун туркий тилли мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Чингиз Айтматов халқларимиз ўртасидаги қадимий дўстлик ва маънавий бирлиқни янада мустаҳкамлаш, муштарак бой анъанавий меросини авайлаб-асрашга, адабиёт, санъат, илм-фан соҳасида эришган ютуқларини дунёга танитиш, бу соҳада янги имкониятларни излаб топиш ва тарғибот ишларини такомиллаштириш мақсадида Тошкентда ташкил этилган Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси халқаро жамоатчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири сифатида фаолият юритган эди. Атоқли адиб хизматлари учун давлатимиз томонидан “Дўстлик” ва “Буюк хизматлари учун” орденлари билан тақдирланган.

Содиқ РАСУЛОВ

Самарқанд асрлар давомида дунёнинг маънавият-маърифат ўчоғи, илм аҳлининг ўзига хос макони сифатида минглаб алломаларни тарбиялаб вояга етказди. Бу шаҳарнинг ўз маданияти, санъати ва адабиёти билан жаҳонга машҳур бўлишида аждодларимизнинг хизмати катта. Шаҳримизнинг ана шундай фидойи инсонларидан бири шоир Ориф Гулҳаний 1879 йили Самарқанд шаҳрида туғилди, амирлик тузумининг носозликлар-ю чор империясининг ҳунрезликлари кўрди. Турмуш қийинчиликларини енгиб ўтиб, ёшлигидан мадрасаларда таълим олди, диний ва дунёвий илмни эгаллаб, адабиётга меҳр қўйди, Навоий ва Жомий каби ижодкорлар асарларидан баҳра олди.

ГУЛҲАНИЙЛАР БОҒИ

Адабиётимизнинг мумтоз пешволари Ибн Сино, Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Навоий, Ҳузулий, Бедилларнинг асарлари таъсирида ўзи ҳам шеърый асарлар яратди. Ундаги ижодкорлик қобилияти кейинчалик унинг фарзанди Олимжон Орифий томонидан давом эттирилди.

Олимжон Орифий ижод қилиш баробарида кўп ижодкорлар билан дўстлашди. Гулҳанийлар хонадони ўтган асрда ёзувчи ва шоирлар Шароф Рашидов, Адҳам Ҳамдам, Асқад Мухтор, Саид Назар, Насрулло Даврон, Раъно Узоқова, Ўткир Рашид, Амин Умарий, Қодиржон Имомов ва бошқалар учун ўзига хос ижод мактаби вазифасини ўтади. Ёш ижодкорлар бу ерда тез-тез туланишиб шеърлар ўқишар, ижод муаммолари ҳақида баҳс юритишарди.

Гулҳанийлар сулоласи вакиллари, аввало, ижодкор эканлиги, ўзбек ва тожик тилларида бирдай ижод қилиши билан ҳам ажрალიб туради. Бу сулоланинг кенжа вакили Муқимжон Орифий ҳам шеърлар ёзди, адабиёт ихлосманди, Самарқанд адабий муҳитининг пешволаридан. Гулҳанийлар хонадонида вилоят ва Республика ижодкорлари тез-тез ййимлишиб, адабий кечалар, суҳбатлар ўтказишади. Бу икки асрлик анъана ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Гулҳанийларнинг жамият олдидаги унутилмас хизматлари шундаки, тарихнинг қатағон йилларида Самарқанд адабий муҳи-тида воҳамиз ижодкорларининг адабиёти-ми анъаналарини сақлаб қолиши, давом эттиришларига қўмақ бердилар, хонадонда ўтказилган адабий суҳбатлар, бадий кечаларда кўплаб ёш ижодкорларга йўл-йўриқлар кўрсатдилар. Бугун қалам теб-ратаётган мамлакатимиздаги кўзга қўринган шоир ва ёзувчилар дастлаб ижод майдони-ча шу хонадонда оқ фотиҳа олганлар. Ориф Гулҳаний ва Олимжон Орифий томонидан яратилган ғазалларда ғазалнавислик анъана ва қоидалари сақлаб қолинганки, бу асарлар бугунги ўзбек ғазалчилигида Са-марқанд адабий муҳити дурдоналари сифати-да қадрланади. Ориф Гулҳаний қаламига мансуб “Нигорим”, “Ор айлама”, “Ед этар”, “Айладин”, “Бир келиб кетин”, “Гулшан ичра” каби, Олимжон Орифийнинг “Билми-шам”, “Нозини кўрдим яна”, “Меҳмон бўла-сиз”, “Кўзлари шахло” каби ғазаллари-га санъаткорларимиз қўй бағишлаган.

Самарқанддаги машҳур маърифат-парвар шоир Ориф Гулҳаний хонадонига қадам қўяр эканман, Фаридуddин Аттот достонидаги Қақнус ёдимга тушади. Кўз олдимдан Ориф Гулҳаний сулоласи ўтади. Чунки бу сулола вакилларининг ҳам умри Қақнусга монанд. Адабиётдаги Қақнус каби яшаб, атрофига шеърят ихлосмандлари-ни тўплаган, уларни қомиллик сирларидан баҳраманд этган бу хонадон қандайдир сирли, жозибадор. Ҳовли дарвозасидан

кираркансиз, пештоқларга қадимий усу-лубда берилган безаклар сизни мозийга етаклайди. Димоғингизга минглаб гуллар-дан таралган ифкорлар урилади, кўнглингиз қат-қатига яширилган туйғуларни жунбуш-ка келтиради. Сизни ўйчан ҳасрати, ваз-мин, кўзларида уйқуслилик акс этиб турган нуруний инсон Муқимжон ака қулимсираб кутиб олади ва салом-алиқдан сўнг гулхо-нага бошлайди. Суҳбат ҳовлининг асосий қисмини эгаллаган гулхонада давом этади. Муқимжон ака иссиқхона бўйлаб сайр қил-дирав экан, ҳар бир гул олида тўхтаб, унинг қайси турга мансублигини, шифобахш ху-сусиятини эринмай тушунтиради.

Муқимжон аканинг табияти ўзига хос. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлган. Қайси юрда бўлса, албатта, у ердаги энг чиройли гулларнинг уруғи ёки қўчатлари-дан олиб келиб, ўз ҳовлисига кўпайтириш, мактаб ва боғчаларга беғариз тарқатиш пайида бўлади. Турли давлат ва жамоат ишларида фаолият кўрсатган бу ижодкор-ни республикамизда кўзга қўринган гулчи сифатида ҳам билишлари бежиз эмас. Муқимжон аканинг: “Гулни севган, унга меҳр қўйган киши бировга ёмонлик қила олмайди. Эътибор берсангиз, асаларининг гул атрофида парвона бўлишида ҳам ақл эгалари учун ҳикмат бор”, деган гаплари-га қўлоқ тутарканман, бир адибнинг “Дунёни гўзаллик қутқаради”, деган гапи тўғрили-гига ишонч ҳосил қиламан.

Муқимжон ака вилоятда ўзбек ва тожик халқлари дўстлигини тобора мустаҳкам-лаш борасида ҳам ибратли ишларни амал-га оширмоқда. Самарқанд шаҳрида яшов-чи турли миллатлар биродарлиги, адабий алоқаларига бағишланган тадбирлар айнан Муқимжон ака хонадонидан ўтказилади. Бугун 1980 йил 4 сентябрда очилган Ориф Гулҳаний уй-музейининг доимо дунёнинг турли мамлакатларидан келаётган сай-ёҳлар билан ғажамўлиги боиси ҳам шунда бўлса керак.

Бундан ташқари, ҳар йили вилоятимиз-да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Жур-налистлар ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят бўлимлари Ориф Гулҳаний уй-музеий ҳамкорлигида “Са-марқандчи гулга буркайлик” гулсеварлар акцияси ва “Ҳар бир ўқувчининг ўз гули бўлсин” деб номланган ёш табиатсеварлар ҳаракати, адабий-бадий, хайрия тадбир-лари ўтказилиб келинмоқда.

Ҳар баҳорнинг апрель ойида Гулҳа-нийлар боғида лолалар қип-қизил қўғдай бўлиб очилади. Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими қошидаги “Садоқат” ижо-дий тўғарага аъзолари ва ижодкорлар Муқимжон аканинг самимий тақлифи би-лан ташриф буюриб, “Лола сайли” шеъри-ят кечасини ўтказишади.

Зўҳра БЕГИМ

Самарқанд.

Холмўмин ЁДГОРОВ

Одил ИКРОМ



ЭЛИТГЕНЧИ ҚИШ

Эллик йил яшадим, баъзан озурда, Баъзан дабдабаю дағдаға қилиб. Гоҳ жимжитлик, гоҳо ғала-ғовурда Эллик йил яшадим қанака қилиб?!.

Эллик йил яшадим, пинҳону ошкор Умримнинг бориға барака қилиб. Гоҳида беминнат садакаға зор, Гоҳида жонимни садака қилиб.

Эллик йил яшадим, беғам, сергашвиш, Гоҳ катта, гоҳ кичик маърака қилиб. . . Остонамда турар эллигинчи қиш, Элликта баҳорни калака қилиб...

* * *
Ой мўралар йиртиқ этакдан, Оппоқ тунлар гизлар айбини. Кўнгли қолган уйдан, эркакдан, Айби йўқдир, излар айбини. Сир бой бериб топмади фойда, Жимлигида қандайдир сир бор. Аллаккимга овлоқ бир жойда Сирларини айлаган ошкор... Кўнгли бермас кўнгил бергани, Ой ботади кўксига тигдай. Токка чиқар ўтин терани, Ўтин бўлар ўтгизга чикмай. Очлик эълон қилай деса – оч. Кўтаролмас тўқлик лаънатин. Меҳмон келса титкилар узоқ, Куя босган кўрпа каватин. Тунда битта ўзи ётолмай, Тентирайди дард чекаганлар. Ўз айбини ўзи тополмай Итта тегар ит тегмаганлар.

Нур ТАБАРОВ



Одамлар тасодифан учрашадилар, дўст-лашадилар ва тасодифан бир-бирларига бего-на эканлиklarини тушуниб қоладилар.

Тасодифан...
Кечки пайт дарё бўйида тасодифан бир қизни учратиб қолдим, у оёқларини оқар сув ихтиёрига топшириб, китобхонликка берилган эди.

Унинг нозик жисмига, китоб устига тушиб жамолини тўсиб қўйган сунбул сочларига ва тўлқинлар бўса олишга интилаётган оёқларига зимдан қараб-қараб қўярдим.

Энди ҳар куни сайр учун шу ерга кела бошладим. Юрагимда бир яширин умид бор эди, қолаверса, бу — баалоғатга етган йилгида рўй берадиган бир ҳодиса. Уни сувдан қутқариб ёки йўлтусарлар қўлидан халос қилиб ўзимни кўрсатиш истаги ҳам бот-бот хаёлимни узоқларга олиб қочиб, мени ҳар оқшом соҳилга етаклаб келар, у ерда мендан бошқа китобхон талабалар ва асқиябозлик қилаётган маъхўрлардан ўзга ёвуз ниятлиларга кўзим ташмасди.

Тасодиф мени бу қиз билан бугун яна юзма-юз қилди. Ногоҳ вужудимни ажиб бир ҳис қоплади. Қизни танидим. Қандай ажойиб тасодиф! Уни илк марта кутубхонада кўрганман, секингина бориб ёнига ўтирмоқчи бўлганимда, узор сураб чиқиб кетганди. Катта-катта шахло кўзлари ёдимда қолган.

Наҳотки, бу ўша бўлса? Кошки, мен томонга бир назар ташласа эди.

Агар сезган бўлсангиз, шунақаси ҳам бўлади — кимдир сиз томон кўз ташлаганини ҳис этасиз. Ва ҳақиқатан ҳам, атрофга назар солсангиз шундай нигоҳ топилади.

Қиз ҳам хаёлида нигоҳимни ҳис қилган бўлса керак, мен томонга қараб қўйди. Мен ўғридек кўзимни олиб қочиб, қайсидир кўшиқни хиргойи қила бошладим.

ОЙ ҚОЛАР — МЕН ОЛИБ КЕТПМАГАН БОШДАЙ

* * *
Мен келдим ўзимни ўлдирган жойга, Ой — гувоҳ, мен бунда топганман тўзим. Раҳмат дейман мени таниган ойга, Бироқ танимайман ўзимни ўзим. Хаёл етаклайди қакшатиб, қакшаб, Эгасиз ит каби эргашаман жим. Ахир, келармидим ўзимни алдаб, Агар ҳайдалмасам ўзимдан ўзим?.. Кетарман, кўлимдан тутмайди хаёл, Кетарман, йўлларни кўрмайди кўзим. Менга хотиралар келмоқда малол, Қайтиб келолмасамн ўзимга ўзим. Қолса, осмон қолар, қолса, ер қолар, Кўзларингдa қолиб кетмасман ёшдай. Қолса, никоҳингдa битта эр қолар, Ой қолар — мен олиб кетмаган бошдай...

ЮРАҚ ЎФИРИ

Эски тегирмондай дукиллар юрак, Ваҳмдан оқарди янчилган умр. Бешафқат меҳрдай кечиккан кузак Шафик хаёлинигдан сўрайди узр. Тор дилга сиғмагай гуноҳи азим, Дилингдa дунёлар айлар жангу жўш. Умидлар хайлидан айро сийратинг Боласиз ховлининг ялоғидай бўш. Кун ботар сўзининг устидан чиқиб, Кир босган ёқадай кўринар шафақ. Ғазабини сочиб, қурбини йиғиб Йўлтўша сўрайди жонингдан рамак. Қоронғи осмонда ой кетар синиб, Сен қараб турибсан кўзингни узмай. Гуноҳимни ювган ёшларинг илик, Манглайимни эса тер босар муздай. Ёлгон уясида урчийди фасод, Сичконнинг инида жон сақлар кадар. Масҳара туюлар ҳар қандай нажот, Бўғизда булғанар зардобу захар. Ютоккан ваҳмининг харобатида Хирсини қондирар Меҳр, Адоват. Колмасанг қайғунинг касофатига, Кулгунинг зўридан сингай таҳорат. Сочларинг рангидай тунлар — мунофиқ, Қайғунинг кўзидай ҳислар — мустаманд. Ишкнинг манглайига битилган ёзик, Ишкнинг мозорида ўқилар баланд. Музлаган кўнгилни овутар томуг, Кўнгилни дунёдан совутар огуш. Тунлар — сен дуч келган хатардай ёвуқ, Кунлар — сен кутмаган хабардай нохуш.

Ахир, адо қилдинг кунларни санаб, Қирқ йиллик қувончинг кетмайди тўзиб. Кифтингдан тушмайди саргайган ғазаб, Кўнгилни кўтариб, терлади кўзинг. Кўргулик ўшадир, саҳфалар бўлак, Қисмат китобининг бетлари юмук. Хозирча, ярадор юрагинг — гўдак, Хозирча, бегубор кўз ёшинг — улуг.

АБДУЛАҚОДИР ТИЛОНИЙ ЗИҚРИ

Бир кеча Ҳазрати Рисолатпаноҳ Тушларида аён бўлмиш бир тилсим. Тўққиз чирок ёғду таратиб ногоҳ, Бир чирок нурига сингиб кетмиш жим... Маҳбублар ёритар дорилбақони, Кўнгил аҳлига хос бу жалолу жоҳ. Қиёмат кунидa маҳмуд мақоми Мажзублар руҳига бўлғай қароргоҳ. Риёзат ўтида ёниб кетгай нафс Кўнганда шайтоннинг васвасасига. Оллоҳ даргоҳига етиб борди арз Ошиқлик, маъшуклик мартабасида. Меърож туни етти қават кўкдан сўнг Арш ёвуқ келгандa теппаларида, Султон-ул анбиё оёқларининг Изи қолди Ҳазрат елкаларида. Эранларга шайтон сиёғи аён, Йўлдан оздиргайдир хош авомни. Ғавсул Аъзам дерлар, ўшадир шайтон, Ҳалол қилдим деса барча харомни. Ҳар куни ибодат фарзини Ҳазрат Бир оёкда адо этгач бесабр, Нидо келди: “Айтгил, кадамим абад Барча авлиёлар гарданигадир...” Истақдан мосуво иймон пирлари, Оғиб кетолмагай ризо, ваҳмига. Шукр эшигидай олам сирлари Очилгайдир фақат кўнгил аҳлига. Дунёвий ишк ахли нафс балосига Чора тополмади минг йил йўл босиб. Юрак қавмидай дард ақрабосига Таслим мартабаси бўлди муносиб Ё ориф айлаган, ё телба қилган Фано мақомига элтувчи роҳлар. Дунёнинг ишига машғуллик билан Дунёдан форигдир валиюллоҳлар. Ҳеч қачон сиғмагай воҳидлик завки, Вужуднинг омонат қошонасига. Илондай пўст ташлаб худонинг халқи

Hikoya

толмаган гаплар гунчадек очилиб борарди, аммо гунчаларнинг соҳиби кўринмасди.

Тасодифан...
У сумкачасини тепадаги юкхонага жойлаб турганида, мен ғарибнинг кўзларим ўша оппоқ оёқларга тушди. Юзимни илюмина-тор томонга бурдим ва деразадан ташқарига қарадим, одамлар кўп силкиқшарди. Мен унинг ўтиришини кутардим, борди-ю менинг нигоҳимни сезган бўлса, жойини алмаштиришидан қўрқар эдим.

У ёнимга ўтирди.

Парвознинг ўн беш-йигирма дақиқаси-дан сўнг, қиз уйкуга кетди. Мен хато қилма-ган эканман — у дунёнинг гўзалы эди, аммо мен шундай ҳаяжонланардимки, гўё олов гирдобида эдим.

Қолаверса, уйкудаги қизга тикилиш одобдан эмас-да.

ТАСОДИФ

Балки у узоқ йўл босиб келгандир, ё парвоздан кўнгли беҳузур бўлгандир, ё боши оригандир. Қандай ёрдам берсам экан? У кўзларини юмиб, жуда ширин уқларди. Сочлари орқага таралган. Кўкрак қафаси мунтазам ҳаракатда...

“Яхши эмас”, деб кўзимни ундан узиб, ташқарига қарадим, аммо деразада яна унинг аксини кўрдим.

“У мени танимадимми? Унда нега бирор сўз айтмади?”.

Овқат олиб келишди. У бир стакан шар-бат ичди, бошқа ҳеч нима емади. Мен унга бирор нарсa ейишини айтдим. “Йўқ, раҳ-мат”, деди ва яна кўзларини юмди. Қизни самолёт кўниши пайтида уйғотдим.

— Кечирасиз, сизимгиз нима?
У хумор кўзларини ярим очиб, деди:
— Рисола, сизники-чи? Кўзимга таниш кўринайсиз.
— Собир... Бир куни сизнинг “Лайли ва Мажнун”ингизни дарёдан қутқарганман ва...

“Сизнинг муҳаббат дарёнгизга ўзим фарқ бўлдим”, демоқчи эдим.
— Ҳа-а-а, — деди у. — Ўсимга тушди... Ўшанда эркак кишининг баланд овози мени қўрқитиб юборганди.

— Ўринсиз қичқирқч эди, — дедим унга. — Лекин ўша кишидан чин дилдан миннатдор-ман, бизнинг танишишимизга сабабчи бўлди.
— Шунинг учун ҳам, мен ўша қирғоққа бошқа бормадим... Сал тепароқда сокин жой бор экан.

Бош қўяр қурбининг остонасига. Очса мушоҳада осмони бағир, Машаққат, кийноқлар роҳат бағишлар. Ўзидан Оллоҳни сўрамас тақир, Оллоҳдан ўзини сўрар дарвишлар. Рамазон ойида руҳоний гўдак Саҳардан шомгача эммас онасин. Оллоҳнинг чинакам ошиқларига Шоёндир фақирлик хилватхонаси. Тазарру қўлида жон берган гуноҳ Бошин эгиб турар тирик тавбамга. Дунёдаги барча хос валиюллоҳ Иктидо қилмоқда Ғавсул Аъзамга...

ҚИШЛОҚҚА ОРАЛАГАН БЎРИ

Кўл етмас орзунинг этакларига, Япалоққа етар ёмоннинг зўри. Эзгуликнинг содда эртақларига Бўкиб кетган суллоҳ ёлгонлар — бўри!

Қудратли копкиндай кўйиб юбормас, Мудроқ юрагини чирмаган тўри. Ўзига ўзи хон, ўзи бек, сармаст, Келиб-кетаётган замонлар — бўри!

Рамазон ойида очар оғзини, Муҳтожликнинг хом ғишт қаланган гўри. Зардоб тўлган сабру бардош корнини Ёриб кетган ёвуз армонлар — бўри!

Иззати топталган нафс қайҳонида Ловиллаб ёнганда ғаразнинг кўри. Замонага боқиб, дил яйловида Қутурган ит боккан чўпонлар — бўри!

Юраклар тутундан кетар қорайиб, Курум босиб кетса қалбади мўри. Ишонч қуйруғига боқар олайиб, Ич-этини еган гумонлар — бўри!

Кўркувдан титрайди юракдаги ер, Одам қуригандай қурийди шўри. Нафасин ичига ютган хонашер, Майдондаги ғариб қуёнлар — бўри!

Ўйлаб босилмаган ҳар нечук кадам, Бўрибосар итдай — шайтонга чўри. Бошин эгиб турган илонлар — одам, Бош кўтариб юрган инсонлар — бўри!..

Қўл-оёқларим бинт билан ўралганди, ҳатто нозик ҳаракат ҳам жисиммга азоб берарди. Бошимга тушган бу тасодийи фалокатни сизга айтиш фикри тўсатдан туғилди...

Шунисини айтишим зарурки, билма-дим, нима сабабдандир, ҳўшимга келишим билан ойна сўрадим. Ҳамшира халатининг чўнгағидан ойначани олиб менга узатди. Ўнг қўлимни чўзмоқчи бўлдим, бўлмади, қўлим ҳаракатсиз эди, чап қўлим ҳам шу аҳволда. Мени ваҳима босди. Ҳамшира ишидан пушаймон бўлиб, ойнани кўз олдимга яқин-лаштирди, аммо ойнани хира парда тўсган-дек эди, ҳеч нарсани кўрмасдим. “Ойнани артинг”, дедим. Шундай ҳам қилди. Яна рўмолча билан кўз ёшларимни ҳам артди.

Мен ўзимни зўрга танидим. Сочларим оқаргандек туюлди. Ундан гумоним тўғри-ми, деб сўрадим. У бош иргаб “ҳа” жавоби-ни берди...

Қаранг, тасодиф менинг бошимга не фалокатларни олиб келди...

Бир ярим ойдан кейин, менга жавоб беришди. Агар сиз мени кўрганингизда танимасдингиз, ҳақиқатан ҳам, сочларим оқарган, қўлимда ҳасса... Мени кўрмаган-нингиз яхши, кўрмайсиз ҳам. Энди сизнинг ёдингизда ўша пайтда қандай кўринган бўлсам, шундайлигимча қолай — дарё бўйи-да... самолётда...

Салом билан Рисола”.

Бу қоғоз парчасининг ҳар бир сатри хан-жар каби юрагимни тилиб ўтарди, қўлларим гўё қуярди. Фожиага тўла бу тасодиф, қан-дай даҳшат! Қани у нозанин қиз. Адолат қа-ерда? Нега у ўз жойини айтмаган? Уялдими? Уятнинг ўрнимми! Эҳ, Рисола, эҳ содда қиз-гина! Биласаним, дийдоринг учун жонимни беришга тайёрман! Қаердасан, дарак бер!

Лекин тасодиф ҳам саҳий, ҳам баҳил, сабаби: танишлигимиз, дўстлигимиз ва ниҳоят, бизнинг худлолигимиз эди, энди ме-нинг додимга етмасди.

Ёшим бир жойга етганда ҳам, ҳамон умидворман, балки яна узоқдан бўлса ҳам, бир умр қуриш истағида бўлган инсонимни яна кўраман.

— Токи томир сувда экан, умид сама-раси бор, — дея Собир амаки пиёладаги чойини ичди-да, ўрнидан туриб, уйи томон равона бўлди.

У борар экан, ўткир кўзлари халойиқ орасидан кимнидир изларди. Балки бугун Собир амаки ниятига етар. Ахир, тасодиф, нималарга қодир эмас!?

Тожиқ тилидан Абдужаббор МЎМИНОВ таржимаси.

Сухроб ҲАМРОЕВ



ҚАЛБ КЎЗИНИДА СЎРАПТИМ ОНА ТАБИАТ

Яшил ёпинчиғин заминга тўшаб, Борини борликка атаган ўша. Одамзод қалбининг туб-тубигача Нафосат уруғин қадаган ўша. Гўдақлар кўзидa кулгу табият, Барқ уриб, яшнасин мангу табият.

Ҳар бир неъматидa бахтдан нишон бор, Ҳар бир синовидa ҳикмат — беадад. Мумтоз наво каби дилхуш, мафтункор, Мумтоз наво каби тирик, барҳаёт. Навқирон авлодга ибрат табият, Манглайга битилган нусрат табият.

Миλλат ниҳол экиб, яратмоқда бог — Адо этаётир муқаддас бурчин. Бугун бободехкон топмоқда ардоқ, Зарбдор соҳибкор ҳаётдан мамнун. Тангри қарамидан кенгдир табият, Қурраи заминга тенгдир табият.

Етти қат осмонин асрори бисёр, Замини ҳасни ҳам маъдан этгайдир. Оламда ватанлар кўплиғи — бекор, Ҳар жонга ўзидан мужда етгайдир. Асрасак, даврони жаҳон табият, Зулм этсак, келтиргай қирон табият.

Ундаги ҳар зарра бизга тўтиё, Мулкини тутғаймиз кўнгилдай обод. Токи лаҳза сайин юрт топсин чирой, Токи авлиёлар руҳи бўлсин шод. Резачинлар хоки пойи табият, Аршда жаннат отлиғ жойи табият.

Илк кундан то маҳшар тутдинг билакда, Бошимиз силадинг, юктирмадинг гарл. Ўзингсан ин қурган малак — юракда, Онамиздай саҳий, отамиздай марл. Сен-ла қадрдонмиз, она табият, Бир тану бир жонмиз, она табият!

МУНОЖОАТ

На-да илҳом қайнар вулқондек, На-да сўлар умидим гули. Гўё иқбол тарикати берк, Ҳаловатсиз тарзим қайғули.

Бедов ел-да очмас асрорин, Овутолмас ҳатто андалиб. Бало етиб, урдимикан жин?! Ўз ҳолимдан кетдим уялиб...

Дунёлашиб кетдимми, ё Раб, Ўзлигидан тонмоқдадир қалб? Ўзинг фақир йимонин асра, Ҳидоятни кўксимга қадаб.

Бандангман-ку, меҳрингга шоён, Қарамингдан бир шуъла тоён. Ўзинг бўлгин дардимга дармон — Муҳаббатга мубтало этгин!

ЎЙЛАРИМ

Орзуларинг шеъримдан бисёр, Ҳаяжондан жушар илҳоминг. Ўйларимсиз — айёминг бекор, Томоғингдан ўтмас таоминг.

Қабоғингдa қўним топганман, Қалб кўзингдa суратим — зухур. Қисмат ҳукмин, балки олмай тан, Интиқ қилган бўлсам гар, узр.

На шеър, на куй бўлолғай бадал, Бебош руҳим тилайди висол. Дийдор излаб, олганман жадал, Бир ишора берсанг бас, дилдор.

Таъзимдаман! Ғолибсан, зотан, Сайёрамни ёритган юлдуз. Тақдирига берганича тан, Ўзин менга асраб юрган киз.

O‘zbek mumtoz adabiyoti

Туркий халқлар адабиётида муштарак жанрлар оз эмас. Улардан бири туюқдир. Туюқ ҳақидаги илмий тадқиқотлар анча катта салмоқни ташкил этади. Бу борада Н.Маллаев, А.П.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Б.Валихўжаев, Х.Қоррогли, Ҳоди Зариф, И.В.Стеблева, Р.Орзибеков, Ё.Исҳоқов, Б.Тўхлиев сингари таниқли мутахассислар жиддий қашфиётлари билан эътироф этилган. А.Бағиров эса, туюқ жанрининг туркий халқлар адабиётидаги генезиси ва поэтикасига оид фундаментал тадқиқотни амалга оширган.

Шунга қарамай, Алишер Навоий яратган туюқлар яхлит ҳолда ўрганилган эмас. Бизнинг мулоҳазаларимиз шу ҳақда. Мақсад туюқнинг моҳияти, туркий адабиётдаги ўрни ва таърифига, унинг шаклланиши ва такомилга мутафаккир адиб кўшган ҳиссага яна бир марта эътиборни жалб этишдан иборат.

Туюк намуналари туркий халқларнинг деярли барчасида, дастлаб фольклор намунаси сифатида, кейинроқ ёзма адабиётдаги ўзига хос адабий жанр сифатида кўзга ташланади.

Туюк ўзбек адабиёти тарихида ҳам анча кенг ва фаол истеъмолда бўлган. Юсуф Хос Ҳожиб, Юсуф Амирий, Лутфий, Захриддин Мухаммад Бобур, Огаҳий ва бошқа кўплаб адибларимиз бу жанр воситасида ҳам ўзларининг бадий маҳоратини намойиш этишган. Табиийки, бу силсилада Алишер Навоийнинг ижоди олтин халқани ташкил этади. Мутафаккир адиб туюқлари ҳам шаклий, ҳам мазмуний жиҳатларига кўра адабиётимизни гўзал намуналар билан безаб турганини адабиёт ахли яхши билади.

Туюкларнинг асосий қисми битта сўзга таянади:

**Чун парию хурдур отинг, бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг, бегим,
Ҳар хадангиким, улус андин қочар,
Нотавон жоним сари отинг, бегим.**

Бу ерда “отинг” сўзи тажнисни ҳосил қилган. Учта мисрада унинг отинг, исминг; минадиган отинг ҳамда мўлжалга олинг, отинг, иргитинг маънолари қўлланган. Улар асосида лирик қаҳрамон – ошиқнинг ёр васфидаги илқ ва самимий сўзлари изҳор этилган, ундаги садокат ва фидойилик хислатлари ёритилган. “Бегим” ундалмаси эса, шеърга самимият, эҳтиром ва табиийлик руҳини олиб кирган.

**Тиғи ишқинг ёрасидур бутмаган,
Дардини ҳар кимга айтиб бутмаган.
Ҳажр саҳросидур оҳим ўтидин,
Анда гүл ёҳуд гиёҳе бутмаган.**

Ушбу туюк бир сўз шаклига таянади. Шунга кўра, биринчи мисрада ишқинг тиғи туфайли (бадандаги) яра битмаган, тузалмагандир. (Ошиқ) бу борада ўз дардларини айтиб битиролмаган. Оҳим ўти саҳрога шу даражада таъсир ўтказганки, у ерда гүл ёки гиёҳ ҳам битмайди, ўсмайди.

Навбатдаги туюқда ҳам яқка сўз иштирок этмоқда. У биринчи мисрада буйруқ феъли шаклида келган ҳамда сўзловчи(ошиқ) нинг тингловчи(маъшуқа)га нисбатан истак ва хоҳишини ифодалаган. Иккинчи мисрада эса, у ҳаракат номи вазифасида келиб, машуқанинг ҳаракатини кўрсатишга қаратилган. Охирги мисрадаги айни шакл от сўз туркумига оид бўлиб, у тушум келишиги шаклига эга бўлган “бармоқ” маъносини ифодалаган:

**Неча дедим ул санамға: “Бормағин!”,
Қилмади ул тарк охир бормағин.
Мунчаким ҳудройлиқ кўргузди ул,
Ақл хайрат қилди, тишлаб бормағин**
Адиб “Ўжар, қайсар ва чўртқесар” маъшуқа образини чизиб берган.

Куйидаги туюк эса бошқачароқ. Унда иккита сўз иштирок этади. Шунга қарамай, бу сўзларнинг шаклида ҳеч қандай ўзгариш юз бермайди.

**Ё қошингдин неча бир ўк кўз тутай,
Отки, ўтрусига анинг кўз тутай.
Неча кўргач ўзга махвашлар қошин,
Янги ой кўрган кишидек кўз тутай.**

Бунда дастлаб “кутаман”, кейинги мисрада “кўзимни тикаман”, “рўпара қиламан”, охирги мисрада эса “кўзимни қўлим билан силайман”, “шукроналик дуосини ўқийман” каби маънолар мужассамлашган. Аслида бу ерда гўзал ва маҳбуб ёрнин интиқлик билан кутаётган ошиқнинг руҳий ҳолати акс этган. У ёрнинг биргина нигоҳи – қараб қўйишига зору интизор.

Бу ерда ҳам яна бир халқона удум эътиборга олинган. Одатда, осмонда янги

ТУЮҚ ФАҚАТ РАМАЛДА ЁЗИЛАДИМИ?

ойни кўрган кишилар шукроналик дуосини ўқишади. Шундай қуналарга етказгани учун Аллоҳга миннатдорлик туйғуларини изҳор этишади. Ана шу изҳор қўллар билан ўз кўзларини силаб қўйиш – “кўз тутиш”да намоён бўлади.

Албатта, туюқларда акс этган кайфиятлар ҳам ниҳоятда ранг-баранг. Жумладан, куйидаги мисраларда ёр гўзаллигидан гурурланишининг яна бир янги шаклини кузатиш мумкин:

**Ё раб, ул шахду шакар, ё лабдурур,
Ё магар шахду шакар ёлабдурур.
Жонима пайваста новак отқали
Ғамза ўқин қошига ёлабдурур.**

Навбатдаги усул сўзларни таркибий қисмларга ажратиш ёки уларни қўшиш эвазига содир бўлади. Куйидаги туюқда ушбу вазифа “ёқилур” феълининг зиммасига тушган. У “ёнмоқ”, “қуймоқ” маъноларини беради:

**Лаълидин жонимға ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин “ё” қилур.
Мен вафоси ваздасидин шодмен,
Ул вафо, билмонки, қилмас ё қилур.**

Иккинчи ва охирги мисрада у икки қисмга (“ё қилур”) ажратилган. Аммо улар икки ўринда икки хил маъно касб этган. Аввал у “ёй”, “қамон” маъносига эга бўлган. Бу ошиқнинг чекаётган изтироблари учун кўрсаткич бўла оладиган ҳолатни кўрсатишга йўналтирилган. Кейинги ҳолатда адиб унинг зиммасига айирувчи боғловчи вазифасини юклаган. Айни пайтда, у ёрдаги номуқимлиқни, ўзгариб туришни ифодалашда қулай восита бўлган. Ёрнинг вафо қилиши ёки қилмаслиги унинг ўзигагина боғлиқ эканлиги қиройли ва ишонарли, таъсирчан тарзда акс этган.

Алишер Навоий туюқлари орасида икки компонентли турлари ҳам мавжуд: бунда туюқдаги тажнислар сони учта эмас, балки иккита бўлади. Яна бир янгилик шундаки, бу ердаги кофия худди рубоийдаги каби а:а:б:а эмас, балки китъаларда бўлгани каби а:б:в:б тарзида қўлланади:

**Вах, қачонға тегру ишқинг қожидин
Кўзума ҳар лаҳза ўт чоқилғуси.
Басдурур кўнглумда ишқинг, ёкма ўт
Ким, ҳарорат ул ҳам ўтча қилғуси.**

Кўриниб турибдики, бу ерда тажнис ҳосил қилиш бирданига иккита сўзни танлаш орқали юзга келган. У “ўт” ва “чоқилғуси” ифодалари билан келтирилган. Байт мазмунини билиш учун “қож” сўзининг маъносини билишимиз зарур бўлади. У “шапалоқ”, “тарсаки” маъносига эга. Бу шапалоқ ишқ туфайли бўлмоқда. Аниқроғи, ошиқ хижрон шапалоғи туфайли кўзидан ўт, олов қачнаб кетишини эслатмоқда.

Кейинги байт ёрга илтимос ва илтижодан иборат: менинг кўнглимда ишқинг олов, гулхан бўлиб турибди. Сен мени яна қийнамагин. Шоирнинг маҳорати шундаки, у мана шу “қийнамоқ”, “азоб бермоқ” маъносини берадиган истиора – “ўт қўймоқ”дан жуда ўринли фойдаланган. Натижада охирги мисрадаги “ўтча қилғуси”нинг поэтик эффекти, амалий самараси бирданига бир неча баробарга кучайиб кетган. Бунинг натижасида китобхон ошиқ қалбдаги иссиқлик даражаси, ҳароратнинг ниҳоятда юқори эканини “ўтча қилғуси” (яъни “ўтдек, ўт баробарида қила олади”) ифодасидан аниқ ва таъсирли тарзда хис эта олади.

Буларнинг барчаси Алишер Навоийнинг буюк истеъдод эгаси эканлигини, унинг

поэтикаси таъсир ўтказмаган айрим туркий халқлар (масалан, саҳа – ёкут) фольклорида бу жанрнинг ҳозиргача мавжудлигини ҳамда уларнинг вазни мутлақо ўзга (рамал ёки арузнинг бошқа кўринишларида ҳам эмас) экани эътиборга олинса, туюқнинг дастлабки вазни қадимийроқ шаклларда, жумладан, бармоқда бўлгани аёнлашади. Аммо булар туюқ назариясидан ёки Алишер Навоий тавсифидан четдаги ҳодисалар сифатида қаралиши жоиз эмас. Агар жанрнинг тарихий категория эканлиги назарда тутилдиган бўлса, туюқ ҳам жуда узок тараққиёт йўлини босиб ўтгани аёнлашади. Алишер Навоий ёзма адабиётимизнинг нисбатан кейинги даврлари (XIII – XV асрлар) тажрибасини умумлаштирган.

Дарҳақиқат, туюқ, эҳтимолки, дастлаб аллитерацион шеър қобигида шакллана бorgan, тараққиётнинг муайян даврларида унинг бармоқ вазнидаги кўринишлари оммалашган. Кейинчалик эса, хусусан, ислом маданияти ҳамда араб, форс поэтикасининг таъсири остида у аруз либосини қия бошлаган. Ниҳоят XV аср шароитида Алишер Навоий унинг мумтоз таърифини тақдим этган.



“Мухокамат ул-луғатайн”да ўзбек тилининг луғатидаги ўзига ҳослик ва бойликларни кўрсатиш муддаоси билан келтирилган:

“Яна шеърда барча таъб аҳли қошида равшан ва мажмӯъ, ғусаҳо олдида мубарҳандурки, тажнис ва ийҳом бағоят қуллийдур. Ва бу фарҳунда иборат ва ҳужаста алфоз ва ишоратда форсийдин кўпрак тажнисомиз лафз ва ийҳомангиз нукта борки, назмга мужиби зебу зийнат ва боиси тақаллуфу санъатдур. Масалан: от лафзики, бир маънис аламдур, яна бир маънис марқабдур ва яна бир маънис амрдурки, тошни ё ўқни от, деб буюргайлар. Бу тажнисда мундоқ дейилибдурким, б а й т:

**Чун парию хурдур отинг, бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг, бегим,
Ҳар хадангиким, улус андин қочар,
Нотавон жоним сари отинг, бегим.**

Ва бу икки байтки, тажниси томдур, ҳам турк шуароси хоссасидурки, соргда йўктур ва муни туюғ дерлар. Ва мунунг таърифин “Мезон ул-авзон” отлинг арузки битилибдур, анда қилилибдур”.

Ҳозиргача туюқ ҳақидаги асосий таърифнинг ҳам бевосита Алишер Навоий номи билан алоқадорлиги бежиз эмас: “Яна турк улуси, батахсис чигатой халки аро шойиъ авзондурким, алар сурудларин ул вазн била ясаб, мажолисда айтурлар.

Бириси “туюғ”дурким, икки байтқа муқаррардур ва саъй қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали мусаддаси максурдур, мундоқким:

... Фоилотун фоилотун фоилун”.

Ушбу таърифда мужассамлашган бир нечта асосий нукталар мавжуд. Уларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ кўринади:

– мазкур жанр туркий халқлар, айниқса, ўзбек халқи орасида кенг тарқалган ва уларгагина хосдир (“Яна турк улуси, батахсис, чигатой халки аро шойиъ авзондур”);

– ушбу жанр намуналари омма орасида, шеърхонлик кечаларида кўпроқ айтилган (“мажолисда айтурлар”);

– туюқнинг чегараси, яъни ушбу жанрнинг қатъий, ўзига хос шакли мавжуд ва бу шакл икки байт билан белгиланади (“икки байтқа муқаррардур”);

– унда тажнисга риюа этилиши мақсадга мувофиқ бўлади (“саъй қилурларким, тажнис айтилғай”);

– туюқ учун алоҳида вазн мавжуд (“ул вазн рамали мусаддаси максурдур”);

Алишер Навоий таъкидлаган асосий жанр белгилари мана шулардан иборат.

Биз энди асосий муддаога етиб келдик. Назаримизда, ушбу таърифдаги биринчи ва охирги бандлар ўртасида мантикий зиддият сезилмоқда. Дастлабки банднинг ҳам “Мухокамат ул-луғатайн”да, ҳам “Мезон ул-авзон”да махсус таъкидланаётгани ҳам эътиборни тортади. Эътибор беринг: гап “турк тилининг ёки шуаросининг хоссаси” ҳамда жанрнинг вазни устида кетмоқда. Бу вазн аруз вазнларининг бири, яъни рамалдан иборатдир. Бизнинг фикримизча, туркий тил билан аруз ўртасидаги боғланишларда бироз зиддият сезилади. Гап жанрнинг миллий хусусиятлари устида борар экан, айни шу икки ҳодисанинг бу талабга кўра бир хил ўзанда туриши муносиб кўринмайди. Ҳар ҳолда, арузнинг ўзлашма вазн экани ёдимизда туриши лозим. Шундай экан, туюқнинг илк вазни арузда эдимиз, деган савол туғилади.

Табиийки, бу саволга тўла-тўқис ижобий жавоб бериш мушкул.

Алишер Навоийнинг ўзи ҳам ушбу типдаги асарларнинг турк халқи орасида “шоёе”, яъни кенг тарқалганини қайд этган. Ушбу ҳодиса ҳозиргача ҳам шу хусусиятини сақлаб келмоқда.

Жанр – тарихий категория. Унинг дастлабки шакли билан кейинги босқичларида, тарихий тараққиёти жараёнида айрим ўзгаришлар бўлиши мумкин ва бу табиий жараёндир.

Алишер Навоий буюк мутафаккир олим сифатида ўз давридаги (асосан, XIV – XV асрлардаги) туюк намуналарини кузатган ва улар асосида хулоса чиқарган. Шунга кўра, адиб берган таъриф туюқнинг классик даври учун мутлақо тўғри ва ўринли. Бошқа даврлардаги туюқлар эса, унинг тараққиёт босқичларидаги ўзига хос кўринишлари сифатида эътироф этилгани мақсадга мувофиқдир.

**Бокижон ТЎХ.ПНЕВ,
филология фанлари доктори,
Тошкент давлат шарқшунослик
институти профессори**

Атоқли ёзувчи Саид Аҳмаднинг “Сароб” ҳикоясидаги “Ота қарғиши мисоли ўқ — у охиратда эмас, шу дунёнинг ўзида нишонга тегади”, деган жумла ҳар қандай китобхонни ўй-лантириб қўяди. Ҳа, айни ўша “ўқ” тегмай қолмади: аслида ҳам қим-лигини унутган Қимсанбойга тегди ўша “ўқ”. Китобхоннинг кўнглидан: илму маърифатли Олимжон домла қаерда хато қилди, шундай ўқимишли одам-а, деган ўй ўтиши табиий.

Айни шундай саволларга бадий асарлардан ўзидан жавоб топиш жараёнида умуминсоний муаммоларга ёзувчилар доимий равишда муножа-ат қилиб туришини кузатамиз.

Шундай асарлардан бири устоз адиб Абдулла Қаҳҳорнинг “Бемор” ҳикоясидир. Ҳикояда ёзувчи Сотти-

болдининг бемор аёли тимсолида аслида ўша даврда жамиятнинг ўзи хасталигига ишора қилади. “Сароб”да ҳам бунга ишора бор. Мактабда директори хонасига Қимсан-бойнинг чакирлиши-шидан бошланган фожиа директорнинг лоқайдлиги, отанинг ўғлига эътиборсиз-лиги, ҳатто жараён-лар давомида Ким-санбойга тилла соат совға этилганида оиланинг жим қуатиши, хуллас, фожанининг кескин тус олишига са-бабларини кўз ўнгига келтирган ки-тобхон ўйга толиб қолади.



МУТОЛААДАН СЎНГ

Яна бир улкан ади-бимиз Одил Ёкубов-нинг “Музкаймоқ” деб номланган автобиогра-фик ҳикояси қаҳрамони отасини олиб кетишга келган ходимларга, ўзи билмаган ҳолда, бола-ларча “ёрдам бергани” ҳам айнан бир хил тақ-дирларни намоён этади. Отани болага, болани отага тескари қилиб оиланинг жим қуатиши, кўйган жамият қиёфасини очиб ташлаган энг дахшатли Павлик Марозов руҳидаги қаҳрамонлар образлари яратилиши учун мухит-

нинг ўзи имкон берганини таҳлил этадиган бўлсак, бадий сўз қуд-ратини, устоз адибларнинг тари-хий ҳодисларни инсонлар тақди-ри орқали нақадар ҳаққоний очиб берганига гувоҳ бўламиз. Умуман олганда, мустабид тузумнинг асл моҳиятини инсонлар тақдири орқа-ли очиб берган асарлар тарихийлик нуктаи назаридан жуда қимматли ҳисобланади. Бу мавзуларни ўртага олиб чиққан ижодкорлар эса, ҳаёт-нинг шафқатсизлигини, муҳитнинг қирқдорларини очиб беришдаги хизматлари таҳсинга лойиқдир. Шу маънода, отаси ҳақидаги барча нарсани бошдан охир ёзиб беришга

рози бўлган, бу розилиги отасининг “халқ душмани” номини олишига сабаб бўлишини билмаган Қимсан-бой тақдири ҳам аянчли. Саид Аҳ-маднинг “Қорақўз Мажнун” ҳикоя-сида Бўрибойнинг аянчли тақдири ҳам “Сароб”даги Қимсанбойники-га уйқаш эканини кўраимиз.

Саробга айланди ота дуоси, са-робга айланди тоза туйғулар, сароб-га айланди аниқ мақсадлар, саробга айланди асл бир ҳаёт!

Биз бундай асарлар салбий қаҳрамонлардан нафратланиши-миз баробарида уларга ачинамиз ҳам, инсон қадрини шу тарика топ-таган тузумни қоралаймиз. Бундай қараганда, “Сароб” ҳикоясидаги Қимсанбой ҳам Павлик Морозов ва “Музкаймоқ”да отасининг кир-

дикорларини очиб берган қаҳра-мон билан бир сафда туради. Ҳа-ётни реал, ҳаққоний очиб берган адиблар тўғри йўлни танлаганини хис этамиз. Вақт ўтиб биз устоз яратган асарлардан ибрат оламиз, тарихий ҳодисаларни энди адабий қаҳрамонларга айланган даврнинг реал одамлари тақдири асносида баҳолаш имконига эга бўламиз. Павлик Морозов Қимсанбой ка-биларга суянадиган мухитни рад этамиз, ташқари жамият ҳаётининг муаммолари ҳақида ўйга толамиз. Адабиётнинг қучи ҳам шунда кўринади.

**Нилуфар РУХИЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Миллий
университети талабаси**

Бугунги кунда хорижда ўзбек мусиқа санъатининг доврүзини тараётган Ижодкор юртдошларимизнинг номини эшитиш одатий ҳолга айланди. Бирингем Кироллик консерваторияси, Trinity Laban мусиқа ва рақс Лондон консерваторияси битирувчиси ўзбек қизи Азиза Содикова бугунги кунга келиб жаҳоннинг композиторлик ижодиётига тегишли барча саҳналарни эгаллаб, ҳар томонлама етук ва маҳоратли ижодкор сифатида танилиб улгурди. Ёш, сермахсул композитор Азиза Содикова Young Euro Classic Халқаро танлови лауреати, Германия Маданият вазирлиги ҳамда Берлин Сенатининг юксак мукофотлари совриндоридир. BBC телерадиокомпанияси “100 нафар аёл” номли телевизион ҳужжатли фильмни яратишида илгор намояндалар қаторига Азиза Содиковани ҳам киритган.

Азиза Содикова кўплаб опера ва чолгу асарлари муаллифи, унинг ижод намуналари Вена, Гамбург, Берлин, Мюнхен, Зальцбург, Лондон, Ганновер каби шаҳарларда ўтган нуфузли Халқаро фестивалларда юксак эътирофга сазовор бўлган. Азизанинг ижодида Янги мусиканинг турли кирраси ўз ифодасини топган. Булар, ноодатий чолгу техникалари, мураккаб тузилмали, ритмик таркибли мусиқий театр унсурлари қўлланган ижодий тажрибалардир. Шу билан бирга, композитор асарларида романтизм даври ижодкорларининг ифодавий драматургияси ва необарокко услубига хос мусиканинг нафис стилистик тўқималари тасвиридан фойдаланиб, авангард услубида ўз фикрини ифода этади.

А.Содикова Тошкентда, таниқли бастакор-мусикачилар оиласида туғилган. Унинг бобоси ўзбек мусикаси ривожига муҳим ўрин тутган композитор ва дирижёр Толибжон Содиковдир. Азиза дастлаб В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабида таҳсил олди. Тўккиз ёшдан бошлаб композитор Дмитрий Янов-Яновскийдан мусиқа яратиш сирларини ўрганди. Мактабни тугаллаб, Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга қиради. 1998 йил “Умид” жамгармасининг таълим дастури асосида Буюк Британияга ўқишга борди. Бирмингем Кироллик консерваториясида бакалаврият, Trinity Laban мусиқа ва рақс Лондон консерваториясида эса магистратурада таҳсил олади. 2008 йилдан буён А.Содикова Берлинда яшаб ижод қилиб келмоқда. Унинг асарлари Гайдн, Шуман, Брамс ва бошқа классик композиторлар асарлари билан бир қаторда ижро этилади. Берлин филармонияси, Италиянинг Палермо шаҳридаги Массимо опера театри, Лондондаги Альберт-холл каби нуфузли саҳналарда бўлиб ўтган концертларда Азизанинг асарлари муносиб янг-

раган. Шунингдек, у Кент Нагано (АҚШ), Омер Меир Веллбер (Исроил), Рюдигер Бон (Германия) каби машҳур дирижёрлар, Мариин ҳамда Цюрих театрлари билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйган. 2020 йили Лондондаги Кироллик Альберт-холл залида бўлиб ўтган BBC Proms нуфузли мусиқий фестивалида иштирок этиш учун жаҳоннинг кўзга қўринган етакчи ижодкорларидан етти нафари танлаб олинди. Шулардан бири ватандошимиз Азиза бўлди.

2023 йил 9 ноябрь куни Москвада бўлиб ўтган “Vivacello” Халқаро виолончель мусиқа фестивалида А.Содикованинг “Нур фариштаси” номли асари премьераси бўлиб ўтди. Виолончель мусикасининг халқаро даражадаги экспертлари фестивалнинг махсус буюртмаси билан ёзилган ўзбекистонлик композиторнинг Н.Гумилёв ва Б.Окуджава шеърлари асосида яратилган асарини юкори баҳоладилар. Ушбу ютук натижаси ўларок, Россиянинг “Культура” телеканалда намоёиш этилган “Энигма” кўрсатувининг махсус сони Азиза Содиковага бағишланди. Мазкур кўрсатувда Азиза ўзи ва ижоди хақида сўзлар экан, ўзбекистонлик эканини қайта-қайта таъкидлади. Композитор Тошкентда ўтган талабалик йилларида “Илҳом” театрида ёзувчи А.Қодирий асари асосида саҳналаштирилган “Оппок кора лайлак” спектаклига мусиқа ёзганди. Ушбу спектакль хозирги кунда ҳам театр репертуаридан мустаҳкам жой эгаллаб турибди.

Азиза Содикова билан суҳбатимиз аввалида унга биздаги ва хориждаги таълим ўртасида қандай фарқ борлигини сўраганимда, шундай жавоб берди:

– Европа таълим муассасаларининг асосий фарқи шундаки, талабага ижодини мустақил ривожлантириш учун кўпроқ вақт берилади. Кутубхонага бориб, турли аудиоёзувлар, нота китобларини олиб, мустақил шуғулланасиз. Ҳар қандай натижа

“ШЕЪРИЯТ ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ — ИЛҲОМИМ МАНБАИ”



фақат ўзингизга боғлиқ. Европада талабаларга катта эркинлик берилган. Албатта, мен билан ажойиб мутахассис устозлар ишлади, аммо бу машғулотлар аксарият холларда тавсия ва маслаҳатлар бўлган. Шу боис, кўп вақтимни кутубхонада ўтказдим. Орган чолгу ижрочиси сифатида қадимий барокко услубига оид материалларни ўрганган бўлсам, композитор сифатида авангард, XX аср мусикасини чуқур ўргандим. Айтиайлик, Бирмингемда ўз устимда мустақил шуғулланган бўлсам, Лондонда ижодий тажрибалар қилиш имконияти пайдо бўлди. Ўқиш вақтида муассасада мавжуд бўлган мусиқа ёзиш студиясидан самарали фойдаланиб, унда эркин ишладим ва асарларимни ёздим.

– Ўзбекистондан кетганингиздан буён дунёкарашингиз қанчалар ўзгарди?

– Буюк Британияга 19 ёшимда кетдим. Германияда бундай ёшдаги одамларни ўсмир дейишади. 21 ёшга тўлганингиздагина сизни катта одам, деб ҳисоблашади. Демак, дунёкарашим Европада шаклланди. Мусофирилик мени ҳар жиҳатдан тоблади, фақат ўзимга таянишни ўргандим. Доимо ишлаш ва олдинга юриш кераклигини англадим. Мен бу ҳолни кураш сифатида эмас, балки шахсий ривожланишимнинг бeтўхтов жараёни сифатида қабул қиламан.

– Берлиндаги ижодий ҳаётингиз қандай бошланди?

– 2008 йили Лондондан Берлинга кўчиб ўтганимдан сўнг иш фаолиятим бошланди. Германияда мусиқа юксак кадрланади. Шу

боис, фестиваллар мунтазам ўтади. Берлиндаги фаолиятим давомида замонавий мусиқа ансамбллари ва оркестрлари билан қизикарли тажрибавий лойиҳаларим бошланди. Натижада Теодор Курентзис ва Валерий Гергиев сингари машҳур дирижёрлар ҳамда Кирилл Серебрянниковнинг Гоголь-маркази ва Шаубюен Театри (Берлин) актёрлари билан ижодий ҳамкорлигим юзга келди. Бир сўз билан айтганда, ижодкор сифатида кўзга қўринган санъаткорларнинг назарига тушдим.

– Ўзбекистонлик бўлганингиз фаолиятингизда қандай акс этди?

– Европада яшаб ижод қилаётган ягона ўзбекистонлик композитор эканим менга ёрдам беради, албатта. Бу ҳақиқат жаҳон мусиқа оламида алоҳида қизиқиш уйғотди. Афиша ва концерт дастурларида янги асарни ўзбекистонлик композитор тақдим этиши доимо таъкидланади. Яқинда Мюнхенда бўлиб ўтган классик мусиқа фестивалида номим Шуберт ва Брамс билан бир қаторда турди. Венада бўлиб ўтган Концертхаус фестивалида эса Чайковский ва Шостакович билан бир қаторга жойлашдим. Хуллас, кўп йиллар мобайнида Европада Ўзбекистон номидан чиқаётганимдан фахрланаман. Негаки, Ўзбекистон ва устозларим туфайли бугунги даражага эришдим.

– Мусиқий асарларингизни яратишда нимадан илҳомланасиз?

– Шеърият ва тасвирий санъат – мен учун илҳом манбаи. Хусусан, Умар Хайёмдан то Кафкагача, Навоийдан то XX аср немис авангардигача бўлган давр санъат асарлари, шунингдек, мусаввир Бобур Исмоилов асарлари эътиборимни ўзига тортади. Ижодимда ўзбек халқ мусикасидан самарали фойдаланаман. “Анор гуллари” номли чолгу концертим, “Алишер ва Гули” мусиқий эртагим, фортепиано учун ёзган “Галдир” ва “Ёр-ёр” номли пьесаларим, виолончель учун “Ного-рача” номли асаримда ўзбек фольклоридан фойдаланганман. Асарларимда миллатимизнинг тарихи, унга хос хис-туйғу ва муҳитни ифодалашга ҳаракат қиламан. Ўзбек қуйларининг гўзаллиги, миллий чолғуларимизнинг жозибали ва сирли садоланиши европа мусиқа шинавандаларини жуда қизиқтиради.

Айни пайтда ўзбек мусиқа маданияти ривожига ўз ҳиссамни қўшишни мақсад

қилганман. Биласизми, бугунги кунда Чайковскийнинг ким эканини билмайдиган одамлар ҳам учраб турибди. Сўнгги 10 йил давомида одамлар фақат поп-мусикани тинглаяпти. Шундай экан, улар XX асрнинг профессионал мусикаси ҳақида нима билиши мумкин? Поп-мусиқани ёмон, дейишдан йироқман. Аммо тингловчилар мусиқа санъати деганда фақат поп-мусикани тушуниаяпти. Бу кетишда одамларнинг, хусусан, ёшларнинг санъат борасидаги тафаккури бирёклама бўлиб қолади. Бу билан, фақат классик мусикани тинглаш керак, демокчи эмасман. Агар мен классик мусиқа соҳасида ишласам, бу эртадан кечгача фақат Моцартни тинглайман, деганим эмас. Жаз, фьюжн, замонавий мусиқий лойиҳаларини ҳам тинглайман. Одамларни ҳам шунга ўргатишимиз керак.

– Ўзбекистонга қайтиш режангизда борми?

– Албатта. Ўзбекистон учун кўплаб режаларим бор. Масалан, киномусиқа яратишни истайман. Шунингдек, талаба ёшларга билимларимни ўргатиш орқали ўзбек мусиқа маданиятининг ривожига ҳиссамни қўишим мумкин. Зеро, доимий концерт берадиган мусикачи ва композитор сифатида орттирган тажрибамдан келиб чикиб, ёшларга кўп нарсаларни ўргата оламан, деб ўйлайман.

Кўп йиллар давомида яратган мусиқий асарларимдан тузилган концерт дастурларини ватанимда намоёиш этиш ниятим кучли. Негаки, ватандошларим ижодим билан яхши таниш эмас. Бобокалоним Толибжон Содиковнинг изидан бориб, ўзбек композиторлик мактабининг тараккиётига ҳиссамни қўшишим керак. Бу муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган, тақдир такозоси билан юртимиздан ташқарига чикиб кетган қобилиятли ва салоҳиятли Ўзбекистон фуқароларини мамлакатимизга қайтариш тўғрисидаги гояни амалий тарғиб қилишга қўшган камтарона ҳиссам бўларди, деб умид қиламан. Орзуим ҳам шу.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

Esse	
Jahon adabiyoti	
Сиз буюк француз ёзувчиси Оноре Бальзакнинг номини, оташин юрак, шидатли эҳтирос, юксак тафаккур билан ёзилган романларини яхши биласиз. Бальзак, Фридрих Энгельс айтганидек, “реализмнинг улуг санъаткори”. Адиб ижодиётида “Инсонлар комедияси” деб номланган, юзга яқин асардан иборат улкан мажмуа алоҳида ўрин тутади. “Инсонлар комедияси” француз жамияти тарихининг 1816 йилдан 1848 йилгача бўлган даврини босқичма-босқич, йилма-йил реалистик манзараларда акс эттирган. Бальзакнинг ҳаёти ажойиб тафсилотларга тўла. Бу ҳақда романлар, фильмлар, хотиралар яратилгани кўпчиликка маълум. У бир умр оғир, мураккаб шароитда қун кечирган, аммо ҳаётга, ёр-дўстларга, адабиётга катта ишонч-эътиқод билан яшаган. Ёзувчининг дўстлари жуда кўп бўлган. Унинг энг сеvimли, садоқатли дўстларидан бири графиня Эвелина Ганская(1801-1882). Бальзак графиня билан 1833 йилда, аёلнинг адибга ёзган мактуби бос танишади. Ганская лах зодагонларига мансуб маълумотли, кўркам жувон бўлган. У эри граф Ганскийнинг мул-	
кида, Украинада истиқомат қилган. Бальзак киборлардан чикқан аёлга уйланишни ҳар доим орзу қиларди: у графиня Ганская билан жуда кўп мактублар, ёзишмалардан кейин дўст тутинади. Ниҳоят, улар бир-бирларини қаттиқ севиб қоладилар. Бальзак Эвелинага атаб Парижда алоҳида, дангиллама уй қурдиради, унинг истаги ва дидига мослаб уйни ноёб, антиқа жиҳозлар билан безаттиради. Бальзакнинг фикрича, ана шу уй парижлик киборлар, санъат ва адабиёт мухлислари, сиёсатдонлар йнгибл турадиган улкан ва машҳур хонадонга айланиши керак эди. Аммо буюк реалист ва айни пайтда улуг ҳаёлпараст бўлган ёзувчининг нияти амалга ошмайди. Чунки Бальзак ва Эвелина Ганская, турли сабабларга кўра, 1850 йилнинг баҳоридагина никоҳдан ўтадилар. Афсуски, тўйдан кейин икки ой ўтгач, ана шу дангиллама уйда, Эвелинанинг кўз ўнгига адиб оламдан ўтади. Бальзак сўнгги мактубини – кадрлон дўсти, улуг шоир Теофиль Готьега аталган хатини ҳам Ганскаяга айтиб ёздирган...	
Бальзакнинг графиня Ганскаяга мухаббатӣ буюк инсоннинг, даҳо адибнинг ҳаётга, табиатга, санъатга, инсоният келажигига бўлган улкан мухаббатининг муштарак бир узви эди. Бальзак ва Ганская жуда узокда, бошқа-	
бошқа мамлакатларда яшасалар-да, руҳан доим бирга, ҳамнафас бўдилар, ўн етти йил давомида муттасил хат ёзишиб турдилар. Бальзак Ганскаяга йўллаган мактубларида маънавий ва моддий ҳаёти тўғрисида, жамиятга, санъат ва адабиётга бўлган қарашлари борасида батафсил, эҳтирос билан ёзадикн, булар оддий хат эмас, гўё яхлит бир адабий асарга ўхшаб кетади...	
Қуйида Бальзакнинг Ганская хонимга ёзган икки хати билан танишасиз (хатлар қисқартириб таржима қилинган).	
Тоҳир ҚАХҲОР	
“Шайо, 7 ноябрь, 1837 йил “Комедия” устида шахд билан ишляяман: унинг асосий йўналишлари аниқлангач, бирмунча қийинчиликларга дуч келдим ва бу театрға ўзларининг ажойиб асарларини мерос қолдирган буюк даҳолар қошида мени ҳайратға солди.	
Кеча Бетховеннинг “До-минор симфонияси”ни тингладим. Бетховен – менинг кўнглимда ҳавас туйғуларини уйғотган ягона одам; у илоҳий бир қудрат соҳиби. Мен Россияни ёки Моцарт эмас, тезроқ Бетховендай инсон бўлишни истаб қолдим...	
Мусиқанинг авж тароналари янграб турган бир аснода аллақайқдан бир сеҳрғар пайдо бўлади-да, у сизни санъатнинг ҳар нарсага қодир фаришталари йиғилган улкан бир саройға олиб қиради; унинг қўл ишораси билан Флоренция жомхоналаридаги ўхшаш бир дарбоза очилиб, кўз олдингизда ажойиб гўзаллар – ҳаёлот малойикалари хиром айлайди. Аёл малоҳатининг тимсоли бўлмиш ана шу ғаройиб хилқатлар худди фаришталарникига ўхшаиш камалакранг қанотларини атрофимизда қоқа-қоқа энгил парвоз қиладилар ва сизнинг руҳиятингизга тоғнинг мусаффо ҳавоси қўйилгандай, бу ҳаво, Сведенберге айтганидек, хуш ҳид тараб жаранглаётгандек туюлади... Бу мусаффо ҳаво руҳингизда оқиб-оқиб, қалбингизни завқу сафога гарқ қилади!..	
Йўқ, ёзувчи даҳоси бунга ўхшаиш завқ-шавқ баҳиш этишига қодир эмас; қалам билан баён қилиш, ифода этиш мумкин бўлган насарлар маълум маънода чегараланган, поёни бор; Бетховен эса, инсон руҳини поёнсизлик чегараларигача олиб боради!..	
Комедия ёзаётганим ҳақида сизга аввалги мактубимда хабар қилгандим. Иш жуда секин кетаяпти... Зеро, комедия муаллифининг мушоҳада доираси нечоғлиқ кенг бўлиши кераклиги менга аён. Комедиядаги ҳар бир сўз давр ахлоқи, маънавияти устидан чиқарилган ҳукмдай жаранглаши керак. Майда ва номуҳим тафсиллар, сюжетларга эътибор бермаслик лозим. Энг асосийси, ҳодисаларнинг моҳиятини англаб, ҳодисалар замиридаги жамият тартиб-ботини кўздан қочирмасдан, комедия жанрининг бор имкониятидан фойдаланиб, жамият устидан ҳукм юритиш даркор. Гапириш мумкин бўлган мингларча нарсалар ҳақидаги тасаввур акс этиб турсин. Комедия устида ишлаш менинг руҳимда мусаффо бир эътиқод, иштиёқ пайдо қилди...”	

Ko‘rgazma zallarida

Ўзбекистон Бадий академиясининг “Академия” галереясида Сарвиноз Қосимованинг “Нажоткор фаришта” деб номланган кўргазмаси очилди. Унда рассомнинг Орол денгизи фожиа­сига бағишланган қирқдан зиёд рангта­свир асарлари, фотосуратлар ва инсталляциялари на­мойиш этилмоқда.

Ижодкорлар оиласида туғилган Сарвиноз­нинг бола­ликдан расм чизишга меҳри бўлакча эди. Унинг қизиқи­ши­ни ота-онаси қўллаб-қувватлаб, тас­вирий санъат оламида ўз йўлини топишга ёрдам бериш­ди. С.Қосимова Миллий рас­сом­лик ва дизайн институтида тах­сил олди. Тас­вирий санъат­нинг сирларини пухта эгаллаш мақса­дида Ўзбекистон халқ рас­со­ми Ба­хо­дир Жа­ло­лов уста­хонасида малака оширди.



НАЖОТКОР ФАРИШТА

Бу жараён ёш рас­сом­га эркин ижодий асарлар чизишга, фикр­лашга ўргатди. “Муаллиф ўйла­ган ва ҳис қилган ҳамма нарсани матода беихтиёр акс эттиради, — дейди рас­сом. — Фақат кенг дунёкараш билангина чинакам гўзал асарлар яратиш мумкин”.

Рас­сом­нинг Орол денгизининг экологик муаммолари­га бағиш­ланган “Мўйноқ”, “Орол денги­

зи”, “SOS” сингари асарлари бетак­рор шакллари, чуқур фал­са­фий йўналиши билан аж­ра­либ туради. “Бизнинг бог”, “Аба­дийлик”, “Шоира Анна Ах­ма­това портрети” каби асарларида

ижодкорнинг йиллар да­вомида шаклланган ўзига хос услубини кўриш мум­кин. С.Қосимова на­фа­кат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда бў­либ ўта­диган кўргазмалар­нинг доимий иштирокчиси. Айни пайтда Бадий акаде­мия хузуридаги “Рас­сом­лик ма­хорати” уста­хонаси стажёр-тадқиқотчиси Сар­виноз Қосимованинг асарлари И.В. Савицкий номидаги Қорақал­по­гистон давлат санъат музейи­да, Тас­вирий санъат галереяси, Бадий академия ва шахсий кол­лек­цияларда сақланмоқда.

Тошкент фотосуратлар уйи­да Ўзбекистон Бадий ака­де­мияси хузуридаги “Рас­сом­лик ма­хорати” уста­хонаси стажёр-тадқиқотчиси Дилбек



Тўхтакуловнинг “Инсон” деб номланган кўргазмаси очилди. Экспозицияда рас­сом­нинг қирқдан зиёд оддий қаламда чи­зил­ган асарлари на­мойиш этил­моқда. Рас­сом асарлари услуби, ма­хорати, ҳар бир асарга мукам-

мал ёндашуви билан аж­ра­либ туради. Кўргазмадаги асарлар­ни кузатар экансиз, рас­сом учун рангта­свир санъати истеъ­дод, меҳнат ва ма­но­нат эканини ҳис этасиз. “Са­ба­нон сайёр”, “Ку­тиш”, “И­жод ва инсон” сингари асарларидаги во­қеа-ҳодисалар аниқ, пухта ечимга эга. “На­воий ва Бой­ка­ро”, “Бо­бур ва Шох­рух”, “Ба­хо­дир Йўл­дошев” каби портретлари на­фа­кат инсон тақ­ди­ри, балки давр сил­си­ласи аба­дий мавзуларга хос муло­ха­залар ор­қали тал­кин этилган. Ай­ни­қиса, рас­сом­нинг “Ин­со­ният фарзанди” дип­ти­хи бахс-муно­за­раларга са­баб бўлди. Дилбек Тўхтакулов айни пайтда ижодий изланишда. У тас­вирий санъат олами­га бе­так­рор гра­фик асарлари билан янада файз ба­ғиш­ла­ши шуб­ҳа­сиз.

Сарвара ҚОСИМОВА

Gul ko‘p, chaman ko‘p...



ДАНТЕ АЛИГЬЕРИ

Данте Алигьерининг тар­жимаи ҳолида, одатда, уни шоир деб ёзадилар, аслида эса, унинг адабиёт тарихидаги ўрни бундан юксакроқдир. У моҳиятан, за­мо­навий ита­льян адабий тилининг асос­чиси ҳисобланади. Унинг тўлиқ номи куйидагича — Дуранте дельи Алигьери.

“ИЛОХИЙ КОМЕДИЯ”

Данте Алигьери ҳаёти ва ижодий фаолияти да­вомида қўллаб асарлар яратган, аммо улар орасида энг маш­хури, шуб­ҳасиз, “Илохий комедия”дир. Муаллифнинг ўзи уни шун­чаки “Комедия” деб атаган. “Илохий” сўзи эса, маш­ху­р адиб Жованни Боккачо то­мо­нидан қўшимча қилинган.

БИЛИМ ДОИРАСИ

Шоирнинг на туғилган сана­си, на таълим олган жойи маълум эмас. Аммо Данте Алигьерининг ёшли­ги­да ан­тик ва ўрта асрлар адабиётини, аниқ фанларни син­чик­лаб ўқи­б-ўргангани аниқ. Шунинг­дек, у илохioётдан, ўша давр Ита­лиясида мав­жуд бўлган қўллаб диний қоидалар ва бидъатлардан хабардор бўлган.

ҚУВГИН

Шоирнинг, фаол сиёсий ар­боб сифатида, душман­ла­ри ҳам етар­лича бўлган. У аъзо бўлган партия навбат­да­ги сайловларда ма­ғ­лу­биятга учра­гач, Флоренциядан қув­гин қилинади. Флоренцияликлар қў­ли­га тушса, қатл этилиши рас­ман маълум қилинади. У узок йил­лар Евро­па бўй­лаб сар­гардон кезади ва ҳеч қачон она ша­ҳ­рига қай­тол­май­ди. Ўзининг “Илохий комедия”сини ҳам ғу­рбат­да ёзган эди.

БЕАТРИЧЕ ПОРТИНАРИ

Данте­нинг пин­хона му­хаб­ба­ти со­хи­баси Беатриче Пор­ти­нари бўлган, аммо бу кизнинг ҳаё­ли­га ҳам кел­ма­ган. Шоирнинг тас­диқ­ла­ши­ча, у кизни го­ҳида қўриб қо­лар ва ҳаёт­да у билан фа­кат ик­ки мар­та­гина су­х­бат­лаш­ган — 9 ва 18 ёшли­ги­да. Ўз ҳис­сиёт­ла­рини сез­ди­риб қўй­мас­лик учун шоир бош­ка хо­ним­ларга қўпроқ эъти­бор қарат­ган. Беатри­че бош­ка йигитга турмуш­га чи­ка­ди ва эрта ва­фот эта­ди, аммо унинг қиё­фаси “Илохий комедия”га сези­лар­ли таъ­сир кўрсат­ган.

ОИЛА

Шоир ҳисоб-китоб билан оила куради ва учта фар­занд­ли бўлади. Данте Алигьери Флоренциядан қув­гин қилин­ган­да хотини ор­тидан бормай­ди, бо­ла­лари билан уйи­да қо­лади. Эр-хотин орасидаги му­но­са­ба­тлар со­вук­роқ бўл­ган­дир, эх­тимол, чу­н­ки шоир хотинини бирор аса­ри­да ҳат­то эслаб ҳам ўт­ма­ган.

ЭНГ ОФИР ГУНОХ

“Илохий комедия”га кўра, Данте­нинг на­за­ри­да энг оғир гуноҳ — сот­кин­лик­дир. Унинг аса­ри­да­ги дўзах та­с­ви­ридан кўри­на­ди­ки, ҳат­то котилик ҳам сот­кин­лик­дан кўра ен­гил­роқ гуноҳ.

АДАБИЙ ТИЛ ТАНЛОВИ

Ўша даврда Италия бир неча княз­лик ва рес­пуб­лика­ларга бў­лин­ган эди, уларнинг ҳар би­рин­нинг ўз ше­васи бўл­ган. Данте Алигьери Тос­ка­ния­да ту­ғил­гани учун у то­с­ка­нча ше­вада асрлар ёзган. Айнан шу асарлар за­мо­на­вий ита­льян тилига асос бўлган.

ЗОҲИДОНА ҲАЁТ

Данте Алигьери бир умр зо­хи­дона ҳаёт кечир­ган. “Илохий комедия” ва бош­ка асарларида муал­лиф сул­хўр­лардан на­фрат­лана­ди, уларнинг қарз бериб, уста­ма олиш­ла­рини қоралайди.

890 ЙИЛДАН СЎНГ

Флоренция ҳу­ку­ма­ти 2008 йил­да Данте­нинг умр­бод қув­гин қилин­ганини, гарчи орадан 890 йил ўтган бўл­са­да, рас­ман бе­кор қилиш ҳақи­да қарор чи­ка­ра­ди. Жа­мо­ат­чи­лик бу қарорга норозилик бил­ди­ра­ди — буни сайёҳларни жалб этиш учун тижорий ўйин, деб ба­ҳо­лай­ди.

ШУ КУНИ БАЙРАМ ЭДИ

1968 йили қўлим­га тасо­ди­фан “Ўз­бе­кис­тон ма­да­ния­ти” га­зе­таси ту­шиб қол­ди. Ада­биёт­та кизи­киб, ўзича ни­ма­лар­дир ёзиб юра­диган 7-синф ўқув­чиси учун бу бир то­пил­дик эди, десам му­бо­ла­га бўл­мас. Акамга айтиб га­зе­та­га обу­на қил­дир­дим. Ўша вақт­лар га­зе­та ҳафтада ик­ки мар­та чи­ка­р­кан. Шундан бери га­зе­та­нинг бирор со­ни­ни ўқи­масам ни­ма­дир етиш­ма­гандек туюлади. Кейин­чи­лик “Ўз­бе­кис­тон ада­би­ё­ти ва санъати” ҳафта­нинг жума кун­лари чоп эти­ла­диган бўлди. Ёдим­да, талаба­лик йил­ла­ри­ми­з катта та­наф­фусдан уни­вер­ситетимиз (ТошДУ) о­ли­да­ги кў­ча­да дў­конга га­зе­та­ни ян­ги со­ни­ни олиш учун ю­гу­рар­дик. Ким­га­дир етмай қолса, бир би­ри­ми­здан олиб ўқир­дик. Ада­биёт­шу­нос олим­ла­ри­ми­зни қўя тур­ай­лик, фи­ло­лог та­ла­ба­лар орасида га­зе­та­нинг ян­ги со­ни­ни ўқи­ма­ган ў­зи­ни ай­бдор­дек сезар­ди. Га­зе­та­да бирор ёз­гани чи­қ­кан ки­ши­га-ку шу куни бай­рам эди.

Бугунги адабий жараён, мум­тоз ада­биётимиз, Шарқ ва Ғарб



ада­биё­ти, ада­биёт на­за­рия­си, мат­н­шу­нос­лик, қа­дим­ги ада­бий ёд­гор­лик­ла­ри­ми­з ҳақи­да, уму­ман, ада­биёт­га оид қизи­қар­ли ма­қо­ла­лар бе­ри­ла­диган бу ягона ада­бий на­шр­ни ку­за­тиб бо­риш ҳар бир и­жод­кор, ада­биёт ихло­с­ман­ди, она тили ва ада­биё­ти фани муал­ли­ми­нинг бур­чидир.

Мен 55 йил­лик муш­тарий сифа­ти­да ў­зи­ни ада­биёт­га дахлдор деб бил­ган ҳар бир ки­ши, ав­ва­ло, шоир, ёзув­чи­лар, ада­биёт­шу­нос­лар “Ўз­бе­кис­тон ада­биё­ти ва санъати” га­зе­та­си­га 2024 йил учун обуна бўли­ши, уни қўллаб-қув­ват­ла­ши шарт, деб бил­ган. Келин­лар, ўз га­зе­та­ми­зга уюш­қоқ­лик билан обуна бў­лай­лик, маж­бурий эмас экан деб их­ти­ёр­ий­лик­ни қў­ли­ми­здан бой бер­май­лик. Ҳаф­та­лик бай­рамимизни қў­лаб-қув­ват­лаш ўз қў­ли­ми­зда!

Адхамбек АЛИМБЕКОВ,
ТДШУ профессори,
адабиётшунос.

ОБУНА — 2024



ОБУНА БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?

Мум­тоз ва за­мо­на­вий ада­биётимизнинг муқад­дам чоп этил­ма­ган на­му­на­ла­ри, шоир-ёзув­чи­лар ҳаё­ти ва и­жодига оид му­ҳим во­қе­алар;
— жаҳон ада­биё­ти на­мо­ян­да­лари и­жоди­дан ян­ги тар­жималардан таш­қари улар­нинг ҳаё­тига оид ҳеч қим­га маълум бўл­ма­ган сир­ли жи­ҳат­лар;
— ада­биёт­шу­нос олим­ла­ру та­дқиқот­чи­лар­нинг бир ада­бий мавзу (уни сиз бел­ги­лаб бе­ри­шин­гиз ҳам мум­кин!) дои­раси­да­ги қиз­гин бах­су му­но­за­ра­ла­ри, ил­мий-таҳ­ли­лий ма­қо­ла­ла­ри;
— устозлар ҳақи­да, шо­гирд­лар эриш­ган ютуқ­лар ҳақи­да оч­ерк­лар;
— бо­ла­жон­ларга таъ­лим-тар­бия бе­риб, му­то­ла­ага ун­до­вчи шеърлар, улар­ни катта ҳаёт­га тай­ёр­лаш­га хиз­мат қи­ла­диган ҳикоялар;
— ҳеч қим эшти­ма­ган ада­биёт ва санъат ян­ги­лик­ла­ри-ю ма­да­ний тад­бир­лар­нинг ма­змун-мо­ҳия­ти;
— И­жод мак­таб­лари ўқув­чи­лари — ёш истеъ­дод­нинг сара маш­қ­лари, улар­нинг мак­таб­да эриш­ган му­ваф­фа­қи­ят­лари ҳақи­да ма­қо­ла­лар...

Яна нималар дейсизми?

Қол­гани­ни ҳар ҳафта жума куни “Ўз­бе­кис­тон ада­биё­ти ва санъати” ҳаф­та­лик га­зе­та­си хо­на­до­ни­гиз­га маъ­ри­фа­ту маъ­на­вият, файзу шу­қуҳ олиб қир­гани­да би­либ оласиз.

Обуна ва­ра­қа­лари “Ўз­бе­кис­тон поч­таси” ак­ция­дор­лик жа­ми­я­ти­нинг Тош­кент филиали, ви­лоят ва ту­ман бў­лим­ла­ри, “Тош­кент поч­та­ми” филиали, шунинг­дек, жа­мо­ат­чи матбуот тар­қатув­чи­лар то­мо­ни­дан рас­мий­лаш­ти­ри­лади. Тош­кент ша­ҳ­ри­да­ги та­ш­ки­лот­лар ка­ми­да 50 та, ви­лоят­лар­да­ги та­ш­ки­лот­лар ка­ми­да 100 та га­зе­та­га бе­восита тах­ри­рият­нинг ў­зи­дан ар­зон нарх­лар­да обуна бў­ли­ши мум­кин. Га­зе­та ўз вақ­ти­да ет­казиб бе­ри­лади.

Мурожаат учун телефонлар: (90) 918-29-57; (90) 176-83-26; (91) 511-15-49
Нашр кўрсаткичи: Якка шахслар учун – 222. Ташкилотлар учун – 223.



O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилими: Тошкент-100066,
Бунёдор кўчаси, Адиблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бинос.

E-mail: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош
муҳаррир
Ҳумоюн
АКБАРОВ

Тахриратга келган кўл­ғиз­малар тах­сил этил­май­ди ва муал­ли­фларга қай­тарил­май­ди. Муал­ли­флар фикри тах­ри­рият нуқтаи на­за­ри­дан фар­қ­ла­ниши мум­кин.

Навбатчи муҳаррир Шухрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи Нигора ТОШЕВА
Га­зе­та 2014 йил 26 ноябрда Ўз­бе­кис­тон Рес­пуб­лика­си Президенти Ад­ми­ни­стра­цияси хузу­ри­да­ги Ах­борот ва омма­вий ком­му­ника­циялар агент­ли­ги­да то­мо­ни­дан 0283 ра­қам билан рўйхат­га олин­ган.
Ада­ли - 857. Бу­юр­та­ма Г - 1138.
Ҳаж­ми - 3 бо­с­ма та­боқ, А - 2.
Нашр кўрсат­ки­чи - 222.
Таш­ки­лот­лар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

“Шарқ”
наш­риёт-мат­баа
ак­ция­дор­лик ком­па­ния­си
бо­с­ма­хона­си.

Бо­с­ма­хона ман­зи­ли:
Бу­юқ Ту­рон кў­ча­си,
41-уй.

Бо­сиш­га то­пи­ши­риш ва­к­ти - 21.00.
Бо­сиш­га то­пи­ри­лди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

